

# Ishonch

2019 йил 9 июль • сешанба • № 82-83 (4212)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз тарихида ўчмас саҳифа очган буюк ишқол туфайли Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилаб бормоқда.

Бугунги кунда юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрў-этиборини юксалтириш борасида кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилмоқда. Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган вазифалар – аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, тадбиркорлик ва хусусий мулк ривожига кенг имконият очиб бериш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларимизнинг ижобий натижалари нафақат мамлакатимиз, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Халқимиз учун энг улуғ, энг азиз айём, эркин, обод ва фаровон ҳаёт кўриш йўлидаги барча ютуқ ва муваффақиятларимизнинг асосий манбаи бўлган Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма саккиз йиллигини катта тайёргарлик билан кутиб олиш, бу қутлуғ санани унинг моҳияти ва аҳамиятига, халқимизнинг фидокорона меҳнати, эзгу орзу-интилишларига муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда «**Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!**» деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

Ушбу дастурда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, «**Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили**» давлат дастури, «**Обод қишлоқ**», «**Обод маҳалла**», «**Ҳар бир оила – тадбиркор**», «**Ёшлар – келажагимиз**», «**Беш ижобий ташаббус**» каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган туб ислохотлар-

нинг маъно-мазмуни ва руҳи мужассам этилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

Айниқса, охириги йилларда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, жамиятимиз қиёфаси бутунлай ўзгаргани, бу ижобий ўзгаришлар юрдошларимиз ҳаётида ўз ифода-таъбирига эришган, халқимизнинг турмуш даражасини, онгу тафаккури, билим ва маданиятини ошириш бўйича қилинган ишларни конкрет далил ва мисоллар, чуқур илмий таҳлиллар ва экспертлик баҳолари орқали мамлакатимиз ва халқаро жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

3. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, долзарб мавзулар бўйича фикр алмашувлар, маданий тадбирларни самарали ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар мамлакатимиз пойтахти, вилоят ва туманларида қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2019 йил 8 июль

ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этадиган энг яхши кўшиқ ва мусиқа асарлари учун «**Ягонасан, муқаддас Ватан!**» республика танловининг якуний босқичини ўтказсин.

Танлов ғолиблари ва савриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин ва тақдирлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда «**Энг улуғ, энг азиз**», «**Ранглар жилосида – она дийр**», «**Ватан учун яшайлик!**» каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминлансин.

8. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан; Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетни маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қўлланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Дунё» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йиғирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А.Риппов зиммасига юклансин.

Ш.МИРЗИЁЕВ

## АВТОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 июль куни автомобиль саноатини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимиз автомобил-созлиги ўтган йиғирма уч йил мобайнида изчил ривожланиб, ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топди. Жорий йил 1 октябрдан имтиёзлар бекор қилиниши билан ушбу тармоқ ҳам эркин бозор шароитига ўтади. Бу корхоналарда замонавий бошқарув механизмлари тараннум этадиган энг яхши кўшиқ ва мусиқа асарлари учун «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танловининг якуний босқичини ўтказсин.

Танлов ғолиблари ва савриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин ва тақдирлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда «Энг улуғ, энг азиз», «Ранглар жилосида – она дийр», «Ватан учун яшайлик!» каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминлансин.

8. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан; Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетни маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қўлланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Дунё» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йиғирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А.Риппов зиммасига юклансин.

автомобиллари ва автобусларда 24 фоиз, холос.

Йиғилишда локализация даражасини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш орқали экспортни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясига умумий ишлаб чиқариш ҳажмини 2023 йилга қадар ҳозирги 250 мингдан 350 мингга, экспорт ҳажмини камида 100 мингга етказиш вазифаси қўйилди.

Бунинг учун, аввало, тармоқда илғор бошқарув тизимини жорий қилиш, хорижий консалтинг компаниялари мутахассисларини жалб этиб, ишлаб чиқариш ва маҳсулот таннархини оптималлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Экспортда битта енгил автотомобилнинг логистика харажати нархнинг 8-10 фоизини ташкил қилиши қайд этилар экан, бу харажатни давлат томонидан қисман қоплаб бер-

иш бўйича вазифалар белгиланди. Хорижий дистрибьюторлар билан биргаликда экспорт нархини қайта шакллантириш ва ташқи бозорларга қафолатли чиқиш юзасидан тавсиялар берилди.

Бугунги кунда 5 турдаги енгил автомобиль 5 та алоҳида платформада ишлаб чиқарилаётгани ҳам харажат, ресурс ва вақт сарфини кўпайтириб, маҳсулот нархига ўз таъсирини ўлказмоқда. Шу боис йиғилишда ягона платформада бир неча марказдаги автомобил ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Хорижий компаниялар билан шерикликда тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш, «MAN Auto» ва «SamAuto» корхоналарига хитойлик ва япониялик ҳамкорларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини жалб қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига тармоқда локализация даражасини ошириш, хусусан, импорт қилинаётган 22 турдаги базавий қисмларни юртимизда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш вазифаси топширилди.

Импортни нотариф механизмлар орқали тартибга солиш, транспортларнинг атроф-муҳитга таъсири бўйича хорижий стандартларни жорий этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари автотомобиллар нархини барқарор сақлаб, сифатини ошириш, янги ҳамёнбоп моделлар ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш орқали маҳсулотларнинг бозордаги ўрнини мустақамлаш муҳимлигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган чора-тадбирлар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎЗА



## Қаршида китобга монумент ўрнатилди

Қарши давлат университети рўпарасида ўрнатилган ушбу монументнинг очилишига бағишланган тантанали тадбир нафақат талаба-ёшлар, балки бутун вилоят аҳолисида катта таассирот қолдирди.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

## ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депаталари ташаббуси билан «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу қонуннинг қабул қилинишидан кўзланган мақсад қасаба уюшмаларининг жамоа бирлашмаси ташкилоти сифатида ишчи-ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали жамиятнинг янада тараққий этти-

ришга хизмат қилишга эришишдир.

Мазкур қонун лойиҳаси бугун кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилмоқда. Соҳа мутахассислари, ҳуқуқшунослари унинг муҳокама-сида фаол иштирок этишга таклиф этамиз.

Лойиҳа бўйича таклиф ва мулоҳазаларни yuridik@kasaba.uz электрон манзилига юборишингиз мумкин.

2-3-4



Андижон вилояти

Хонобод шаҳрида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорлигида семинар ўтказилди.

Семинар

## МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА БЕФАРҚ ЖАМОА

ҳамиша хавф-хатар остида

Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари бўйича Бюроси бош мутахассиси Валентин Мокану, айти шунга ҳаққаро эксперт Корнелиу Константиноя ва бошқалар кун тартибидаги мавзу бўйича юз йиллик тажриба, шу даврда қабул қилинган халқаро нормалар, уларнинг принциплари, ходимлар хавфсизлигини таъминлашда қасаба уюшмаларининг мақсадлари ҳусусида кўплаб фойдали, зарур маълумотлар беришди.

– Руминия ҳам Ўзбекистон каби собиқ Иттифоқ мустамақкасидаги давлат бўлган, – дейди Руминия қасаба иттифоқлари Федерацияси эксперти Корнелиу Константиноя. – Демак, ҳар икки мамлакатнинг яқин ўтмишдаги шарт-шароитлари деярли ўхшаш. Биз айти пайта Европа Иттифоқига аъзоимиз, шу боис меҳнат соҳасидаги қонунчилик ҳам европача таъминларга мос. Ўзбекистонда бу борадаги қонун-қоидалар, техника хавфсизлиги ва саломатлик муҳофазаси бўйича амалий ишлар билан танишиш, тажриба алмашш учун келдим.

– Семинарнинг айнан Андижонда ўтказилаётгани бежиз эмас, – дейди Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси бўлим мудири Нодира Каримова. – Худудда катта-кичик саноат корхоналари кўп. Уларда меҳнат қилаётганлар қамрови ҳам шунга яраша. Соҳага дахлдор вакиллар вилоятда айти соҳада рўйба қиқарилаётган сай-ҳаракатлар билан яқиндан танишиш.

Эътиборлиси, жорий йилда Андижон машинасозлик институтининг машинасозлик технологияси факультети қошида «Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги» йўналиши ташкил этилди ҳамда янги ўқув йилида унга 25 нафар талаба қабул қилинади. Меҳмонлар бу янгилик соҳадаги тажрибаларни яқин келажақда юқори босқичга кўтаришига ишонч билдирдилар.

Ўз муҳбиримиз

## Кенг муҳокамага муҳтож мавзу

Газетанинг шу йил 11 ва 25 апрель кунги сонларида чол этилган ҳуқуқшунос Абдураҳмон Ҳамидовнинг «**Чекловлар: иқтисодиётга фойдалими ёки зарар? Мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида ҳолис фикр**» сарлавҳали мақолалирига Молия вазирлиги ҳузурдаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти билдирган фикр ва мулоҳазалар.

> 6

## Иш берувчи кимдан чўчийди?

Ўтган йили вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси фаоллари билан Андижонда қатор тармоқларга эга бўлган йирик тўқимачилик мажмуасининг Булоқбоши туманидаги корхонасига бордик. Мақсад – бу ерда меҳнат қилаётган ходимларнинг иш шароитлари билан танишиш, шу билан бирга қасаба уюшмаси фаолияти ҳақида тушунча бериш, жамоат ташкилотига аъзоликнинг афзалликлари ҳусусида тарғибот ўтказиш эди...

> 7

## Хасталиклар қон гуруҳига боғлиқми?

Бундан 13 йил аввал оилада дастлаб олам, сўнг укам ва синглим гепатит касаллигининг енгил шакли (А гуруҳи) билан хасталанди. Улар билан бир ҳаводан нафас олиб, оёқатланиб, бир уйда яшашимга қарамай менда касаллиқнинг аломатлари кузатилмади. Оилавий шифохонага чиққанамизда текшируве натижаларидан кейин шифокор бунинг сабабини қон гуруҳи билан изоҳлаган эди...

>> 8

# Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни

## 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади жамоатчилик муносабатлари соҳасида фуқароларнинг касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини амалга оширишни, касба уюшмаларини тузиш ва фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқ ва кафолатларининг таъминлашни, касба уюшмаларининг иш берувчилар сифатида фаолият юритувчи (кейинги ўринларда – иш берувчи деб юритилади), мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассасалар (кейинги ўринларда – ташкилот деб юритилади), давлат, нодавлат, шу билан бирга хорижий ва халқаро нодавлат ташкилотлар билан муносабатларини, ижтимоий-меҳнат муносабатлари бўйича ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларини уйғунлаштиришда касба уюшмаларининг иштирокини тартибга солишдан иборатдир.

### 2-модда. Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Касаба уюшмаларини тузиш, уларнинг фаолиятлари, ҳуқуқ ва кафолатларини таъминлаш, касба уюшмаларини иш берувчилар, давлат, нодавлат, шу жумладан хорижий ва халқаро нодавлат ташкилотлари билан, касба уюшмаларининг ижтимоий-меҳнат муносабатлари масалалари бўйича ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларини уйғунлаштиришда иштирок этиши ушбу Қонун билан тартибга солинмаган ҳолларда, бундай муносабатларга меҳнат тўғрисидаги ва нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчилик нормалари қўлланилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида, Ўзбекистон Республикасининг касба уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### 3-модда. Ушбу Қонуннинг амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг қоидалари, шу жумладан касба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатлари барча касба уюшмалари, бошланғич касба уюшма ташкилотлари ва касба уюшмаларининг бирлашмалари, шунингдек, улар ташкил этган касба уюшма органларига татбиқ этилади.

Ушбу Қонунни Қуролли Кучларда, ички ишлар органларида, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматида ва бошқа ҳарбий қисмларда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ушбу тузилмалар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### 4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

касба уюшмаси – қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган, ўз устави асосида фаолият юритадиган, фаолияти ёки ўқиш тури бўйича умумий ишлаб чиқариш, касбий манфаатлари билан боғлиқ меҳнат ҳуқуқларини ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида тузиладиган фуқароларнинг (жисмоний шахсларнинг) ихтиёрий жамоат бирлашмасидир;

касба уюшмаси ташкилоти – тегишли касба уюшмаси уставига мувофиқ, бошланғич касба уюшмаси, туман, шаҳар, вилоят, республика даражасида тузилган касба уюшмаси ташкилотидир;

касба уюшмаларининг бирлашмаси – касба уюшмаларининг ходимларни касбий, меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишни мувофиқлаштириш ва бирикма эришиш мақсадида, одатда тармок, ҳудуд ёки бошқа касбий ўзига хосликни назарда тутган ихтиёрий бирлашмасидир;

касба уюшмасининг органи – касба уюшмасининг, касба уюшмалари бирлашмасининг уставига мувофиқ, ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва ифода этиш, тегишли уставларда назарда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ташкил этилган коллежалар орган;

касба уюшмаси аъзоси – касба уюшмаси аъзоси бўлган жисмоний шахс;

меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик – касба уюшмалари ва касба уюшмалари бирлашмалари тимсолида ходимлар, иш берувчилар (иш берувчиларнинг вакиллари), давлат бошқарув органларининг ижтимоий-меҳнат масалаларида ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларини уйғунлаштиришга қаратилган ўзаро муносабатларнинг тизими;

меҳнат соҳасида касба уюшмаси жамоатчилиги назорати – Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ касба уюшмалари ва ёки уларнинг инспекциялари томонидан мулк шакли ва ҳужалик юретишидан қатъи назар барча корхона, муассаса ва ташкилотларда, иш жойларида меҳнат, аҳолини иш билан таъ-

минлаш тўғрисидаги қонунчилик ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этиш устидан амалга ошириладиган назорат.

### 5-модда. Касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи

Меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, олий ва ўрта махсус, касб-хуна таълими муассасаларида таълим олаётган, ўн беш ва ундан катта ёшдаги шахслар (кейинги ўринларда – ходимлар деб юритилади) ҳеч қандай фарқсиз ва олдиндан рухсат олмай туриб, ихтиёрий равишда касба уюшмаларини тузиш ҳуқуқига, шунингдек, касба уюшмаларига уларнинг уставларига риоя этиш шарт билан кириш ҳуқуқига эга.

Ходимлар барча корхона, ташкилот, муассасаларда, яқка тартибдаги тадбиркорлик ва бошқа меҳнат фаолияти амалга ошириладиган иш жойларида, камиди уч нафар ходимнинг ташаббуси билан касба уюшмаларини тузишга ҳақлидир.

## 2 БОБ. КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ

### 6-модда. Касаба уюшмалари фаолиятининг асосий принциплари

Куйидагилар касба уюшмалари фаолиятининг асосий принциплари ҳисобланади: камситишга йўл қўймаслик; қонунийлик; ихтиёрийлик; мустақиллик; тенг ҳуқуқлилиги; ўзини ўзи бошқариш; очкилик; касба уюшмаси аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги.

### 7-модда. Камситишга йўл қўймаслик

Ишга қабул қилишни, ходимларга имтиёзлар ва преференциялар, шу жумладан устамалар, мукофотлар беришни, юқори лавозимларга кўтаришни, шунингдек, меҳнат шартномасини бекор қилишни, муайян касба уюшмасига мансублиги бор ёки йўқлигига, унга кириш ёки чиқишга шарт қилиб қўйиш тақиқланади.

Ходимнинг касба уюшмасига кирмаслиги ёки ундан чиқиши ҳақидаги ёзма ёки оғзаки мажбуриятлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Ўзини касба уюшмасига мансублиги ёки мансуб эмаслиги сабабли камситилган деб ҳисоблаган шахс, камситишни бартафат этиш ва етказилган моддий ва маънавий зарарини қоплаш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

### 8-модда. Касаба уюшмалари фаолияти қонунийлиги

Касаба уюшмалари, уларнинг органлари ва аъзолари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига сўзсиз риоя этишга ва бажаришга мажбурлар.

### 9-модда. Касаба уюшмаларида иштирок этишнинг ихтиёрийлиги

Меҳнат фаолиятини амалга ошираётган, шунингдек, олий ёки ўрта махсус, касб таълими муассасаларида ўқийётган ўн беш ва ундан катта ёшдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз танловлари бўйича касба уюшмаларини тузиш, уларга аъзо бўлиш, касба уюшмаси фаолияти билан шугулланиш ва касба уюшмасидан чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат (касбий) фаолиятини юритаётган ёки олий ва ўрта махсус касб таълими муассасаларида таълим олаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган касба уюшмаларига киришлари мумкин, қонунчиликда белгиланган ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Касаба уюшмасига аъзоликка кириш ёки ундан чиқиш, шунингдек, меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин касба уюшмасида аъзоликни сақлаб қолиш тартиби тегишли касба уюшмасининг устави билан тартибга солинади.

Фуқароларнинг касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилишга, шунингдек, уларни касба уюшмаларига аъзоликка киришга мажбурлашга йўл қўйилмайди.

Касаба уюшмалари тармок, ҳудудий, республика ёки касбий ўзига хосликни инобатга олувчи бошқа белгиларга қараб бирлашмалар тузиш ҳуқуқига эгадир.

### 10-модда. Касаба уюшмаларининг мустақиллиги

Касаба уюшмалари ўз фаолиятларида, шу жумладан, молиявий фаолиятларида, давлат органлари ва ҳужалик бошқарув органларидан мустақилдир, улар олдидан ҳисобдор эмас ва улар томонидан назорат қилинмайди. Касаба уюшмаларининг фаолиятига, касба уюшмаларининг ҳуқуқларини чеклайдиган ёки

уларни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган тарзда ҳар қандай аралашув, шу жумладан уларнинг фаолияти ҳақидаги бирон-бир ҳужжатни талаб қилиш, тақиқланади.

Касаба уюшмалари мустақил равишда ўз уставларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, ташкилий тузилмаларини белгилайди, касба уюшмаси органларини сайлайди, ўз фаолиятларини ташкиллаштириши, мажлислар, конференциялар, курултойлар, кенгашлар, съездлар ва бошқа тадбирлар ўтказиши.

Касаба уюшмалари қонунчиликда тақиқланмаган ва уларнинг уставларида назарда тутилган мақсадларга мос келадиган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишлари мумкин.

Касаба уюшмалари ўз уставларида белгиланган мақсадларга ва вазифаларга мувофиқ бошқа мамлакатларнинг касба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, ўз хоҳишига кўра халқаро ва бошқа касба уюшмалари бирлашмаларига ва ташкилотларига кириш ҳуқуқига эгадир.

### 11-модда. Касаба уюшмаларининг тенг ҳуқуқлилиги

Касаба уюшмалари уларнинг аъзолари сони, тармокқа мансублиги, ҳудудий жойлашуви, касба уюшмалари бирлашмасидаги иштироки ёки бошқа белгиларидан қатъи назар тенг ҳуқуқларга эга.

### 12-модда. Касаба уюшмалари ўзини ўзи бошқариши

Касаба уюшмалари учинчи шахсларнинг аралашувисиз, ўз фаолиятининг мақсадларини мустақил ўрнатади, тегишли вазифалар ва уларга эришиш усулларини белгилайди.

### 13-модда. Касаба уюшмалари фаолиятида очкилик

Касаба уюшмалари ва уларнинг органлари фаолияти ошқор ва очкидир. Касаба уюшмалар қабул қиладиган уставлар, шунингдек, касба уюшмалари томонидан тузиладиган жамоа шартномалари ва келишувлари чоп этилиши шарт.

### 14-модда. Касаба уюшмалари аъзоларининг тенг ҳуқуқлиги

Касаба уюшмасига мансублиги ёки мансуб эмаслиги фуқароларнинг қонунчилик билан кафолатланган меҳнат ва бошқа ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралашни келтириб чиқармайди.

Касаба уюшмаларининг барча аъзолари ўзларининг, ушбу Қонун, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, касба уюшмаларининг уставлари ёки локал ҳужжатлари билан белгиланган барча ҳуқуқ ва мажбуриятларида тенгдир.

## 3-БОБ. КАСАБА УЮШМАЛАРИНИ ТУЗИШ, ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ФАОЛИЯТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

### 15-модда. Касаба уюшмаларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли

Касаба уюшмалари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс ташкил этган ҳолда жамоа бирлашмаси шаклида амалга оширади.

### 16-модда. Касаба уюшмалари, уларнинг ташкилотлари, органлари ва бирлашмаларини тузиш

Касаба уюшмалари камида уч нафар ходимнинг, шу жумладан, бир нечта кичик корхоналарнинг, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорларда ёки бошқа жисмоний шахсларда ишлаётган ходимларнинг, ташаббуси билан ташкил этилади.

Касаба уюшмаси уставига мувофиқ корхона, туман, шаҳар, вилоят, республика даражасида ўзининг бўлинмаларини (гуруҳ ташкилотчиси, касба уюшма ташкилотчиси, устав вазифаларини бажариш бўйича касба уюшмаси вакил қилган шахс – касба уюшмасининг ваколатли вакили, касба уюшма кўмитаси, бирлашган касба уюшма кўмитаси, туман, шаҳар, вилоят кўмитаси, кенгаш ва бошқалар) тузишга ҳақли.

Касаба уюшмаларининг бўлинмалари ҳам юридик шахс мақомида, ҳам юридик шахс мақомисиз тузилиши мумкин.

Касаба уюшмалари қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган устав асосида фаолият юритади.

Касаба уюшмаларини ташкил этиш ташаббускорлари съезд (конференция, курултой) ёки умумий йиғилиш қақирадилар, унда устав қабул қилинади, шунингдек, касба уюшмаси органлари тузилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, шунингдек, иш берувчиларнинг раҳбарлари касба уюшмасини, уларнинг бирлашмаларини тузишга ташаббускор бўлиши, шунингдек, касба уюшмаларининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Касаба уюшмаларининг бирлашмалари ҳудудий ёки бошқа жиҳатларга қараб икки ва ундан ортқ касба уюшмаларининг ташаббуси билан тузилади.

Касаба уюшмалари бирлашмаларини ташкил этиш ташаббускорлари съезд (конферен-

ция, курултой) ёки умумий мажлис қақирадилар, унда устав, шунингдек, ташкил этилаётган касба уюшмалари бирлашмасининг раҳбар органлари тузилади.

Касаба уюшмалари ва уларнинг бирлашмалари давлат рўйхатига олинган вақтдан тузилган ҳисобланади.

### 17-модда. Касаба уюшмаси, касба уюшмалари бирлашмалари устави

Касаба уюшмаси ёки касба уюшмалари бирлашмаларининг Устави қуйидагиларни назарда тутилиши лозим:

касба уюшмаси, касба уюшмаси бирлашмасининг номланиши, мақсади ва вазифалари;

бирлашаётган ходимларнинг тоифалари ва касбий гуруҳлари;

касба уюшмаси ўз фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд;

касба уюшмасини ташкил этиш шартлари ва тартиби;

касба уюшмаси ташкилоти ёки бирлашмасига аъзоларни қабул қилиш ва ундан чиқиш ёки чиқариш, шунингдек, меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин касба уюшмасида аъзоликни сақлаб қолиш шартлари;

касба уюшмаси ташкилоти ёки бирлашмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; касба уюшмаси органларининг тузилиши, ташкил этиш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жойлашган жойи, уларнинг ваколатлари мuddатлари;

кириш ва аъзолик бадалларини тўлаш тартиби ва уларнинг миқдорлари;

касба уюшмаси ташкилоти ёки бирлашмасининг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни шакллантириш манбалари;

касба уюшмаси ташкилоти ёки бирлашмаси мол-мулкни бошқариш;

касба уюшмаси ташкилоти ёки бирлашмасини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

Уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби;

Касаба уюшмаси ёки бирлашмаси Уставида уларнинг рамзлари таснифи келтирилиши мумкин.

Уставда касба уюшмаси фаолиятига тааллуқли бўлган ва қонунчиликка зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Касаба уюшмалари бирлашмалари Уставининг талаблари тегишли бирлашманинг аъзолари ҳисобланган касба уюшмалари учун мажбурийдир.

### 18-модда. Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари ва ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ёки ҳисобга қўйиш

Касаба уюшмалари, юридик шахс мақомида ташкил этилган касба уюшмалари ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ўрнатилган тартибда Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш, тегишли ҳужжатлар тақдим қилинган, беш кундан ортқ бўлмаган мuddатда амалга оширилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда ташкил этилган касба уюшмаси ташкилотини рўйхатга олиш, рўйхатга олиш органида тегишли касба уюшмаси томонидан шу касба уюшмаси рўйхатга олинган жойи бўйича амалга оширилади.

Касаба уюшмалари бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш учун назарда тутилган тартибда ва мuddатларда мазкур Қонун талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

### 19-модда. Давлат рўйхатидан ўтказиш ёки ҳисобга қўйиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар

Касаба уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатга олувчи органга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур касба уюшмасининг раҳбар органи аъзолари томонидан имзоланган ҳамда раҳбар органи аъзоларининг ҳар бирининг фамилияси, исми, шарифи, туғилган йили, яшаш жойи ва манзили кўрсатилган ҳолдаги ариза;

касба уюшмасининг низоми икки нусхада; касба уюшмасини ташкил этиш, касба уюшмаси органи аъзолари, уставни тасдиқлаш, касба уюшмаси органларини шакллантириш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим бўлган съезд (конференция, курултой) ёки умумий йиғилиш баённомаси;

рўйхатдан ўтказиш учун йиғим тўланганлиги ҳақида банк тўлов ҳужжати.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар съезд (конференция, курултой) ёки умумий йиғилиш ўтказилган кундан бошлаб бир ой давомида тақдим этилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган касба уюшмаси ташкилотларини ҳисобга қўйиш касба уюшмалари бирлашмасини рўйхатга олиш жойи бўйича рўйхатга олувчи органга қуйидаги ҳужжатларни юбориш орқали амалга оширилади:

касба уюшмасининг ваколатли шахси томонидан имзоланган ариза;

касба уюшмаси ташкилотини тузиш тўғрисидаги тегишли касба уюшмасининг қарори баённомаси нусхаси.

### 20-модда. Касаба уюшмасининг устав ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

Касаба уюшмалари уставларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар касба уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартиб ва мuddатларда давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

### 21-модда. Касаба уюшмаларининг рамзалари

Касаба уюшмалари байроқ, эмблема, вимпел ва бошқа рамзларга эга бўлиши мумкин. Касаба уюшмаси рамзлари давлат рамзларига мос келмаслиги керак.

Касаба уюшмаси рамзлари уставга мувофиқ унинг раҳбар органи томонидан тасдиқланади, агар касба уюшмаси юридик шахс мақомида ташкил этилса, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

### 22-модда. Касаба уюшмасини қайта ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш

Касаба уюшмаларини қайта ташкил этиш уставда белгиланган тартибда, унинг аъзоларининг қарорига асосан амалга оширилади. Касаба уюшмаси фаолиятини тугатиш уставда белгиланган тартибда, унинг аъзоларининг қарорига асосан амалга оширилади.

Касаба уюшмаларининг маъмурий орган томонидан тарқатиб юборилиши ёки вақтинчалик тақиқланишига йўл қўйилмайди.

Касаба уюшмаларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва қонун ҳужжатларида зид бўлган тақдирда, бу фаолият суднинг қарори билан тугатилиши мумкин.

## 4-БОБ. КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

### 23-модда. Касаба уюшмаларининг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати

Касаба уюшмаси, шунингдек, унинг юридик шахс мақомида ташкил этилган ташкилотининг, фуқаролик ҳуқуқ лаёқати давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб вужудга келади ва фаолият кўрсатиши тўхтатилиши билан тугатилади.

Юридик шахс мақомисиз ташкил этилган касба уюшмаси ташкилотининг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати тегишли рўйхатга олувчи органда ҳисобга қўйилган пайтдан вужудга келади ва ҳисобдан чиқарилган пайтдан тугатилади.

### 24-модда. Касаба уюшмаларининг мол-мулк

Каса

# Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни

42

**26-модда. Касаба уюшмаларининг тадбиркорлик ва бошқа фаолиятлари**  
Касаба уюшмалари ўз устав мақсадларига мос ҳолда, қонун ҳужжатларига мувофиқ, руҳсат этилган тадбиркорлик фаолияти турлари билан шуғулланиши мумкин.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари ўз уставларида белгиланган мақсад ва вазифаларга мувофиқ қонунчиликда белгиланган тартибда банклар, сугурта ташкилотлари, ҳўжалик жамиятлари ва ширкатлари тузиш, ноширлик фаолияти билан шуғулланиш, таъқиқ иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, шунингдек, мақсадли жамғармалар ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Фаолиятнинг алоҳида турлари фақатгина лицензия асосида амалга оширилиши мумкин. Мазкур фаолият турларининг рўйхати қонунчилик билан белгиланади.

## 27-модда. Касаба уюшмаларига солиқ солиш

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари тегишлича жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари учун белгиланган тартибда ва миқдорда бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди.

## 5-БОБ. КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

### 28-модда. Касаба уюшмаларининг асосий ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари қуйидагиларга ҳақли: ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш;

меҳнат ва ижтимоий ривожланиш соҳасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш;

жамоа музокараларни олиб бориш, жамоа шартномалари ва жамоа келишувларини тузиш ва уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

бандликни таъминлашга кўмаклашиш; ҳодимларни ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган чораларни кўриш;

меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари бўйича ахборотлар олиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳодимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларига риоя қилиш устидан, мулкчилик ва бўжалик юрисишнинг шаклидан қатъи назар барча корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, иш жойларида жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

меҳнат низолатлари кўриб чиқишда ҳодимлар манфаатларини ҳимоя қилиш;

меҳнат ва ижтимоий ривожланиш соҳасида халқаро шартномаларни тузишда иштирок этиш.

### 29-модда. Касаба уюшмаларининг ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда иштироки

Касаба уюшмалари, касаба уюшмаларининг ҳудудий, тармоқ, республика бирлашмалари тегишлича корхона, ҳудуд, тармоқ, республика миқёсида аҳоли бандлигини таъминлаш, бўшатиб олинаётган ҳодимларни ҳимоя қилиш, шунингдек, бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш.

### 30-модда. Касаба уюшмаларининг меҳнат ва ижтимоий ривожланиш соҳасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари меҳнат ва ижтимоий ривожланиш соҳасига тааллуқли қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳодимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий манфаатларига дахлдор масала кўриб чиқиладиган мажлисига, энг кўп аъзоликка эга касаба уюшмаси бирлашмаси вакили албатта таклиф этилади.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари тегишли давлат органларида меҳнат ва ижтимоий ривожланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат органлари томонидан тегишли касаба уюшмалари ёки касаба уюшмалари бирлашмаларининг фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.

### 31-модда. Касаба уюшмалари, уларнинг ташкилотлари, органлари ва бирлашмаларининг ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилишга оид ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари, уларнинг органлари ва бирлашмалари меҳнат ва у билан боғлиқ бошқа

муносабатларда ҳодимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этади ҳамда ҳимоя қилади.

Касаба уюшмалари, уларнинг органлари ва бирлашмалари ҳодимларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини эркин тасарруф этиш, фаолият турини ва касбни танлаш, шунингдек, ҳеч қандай камситишларсиз ва қонун ҳужжатларида белгиланганидан оз бўлмаган миқдорда меҳнатга ҳақ олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими, мукофотлар, кўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тўловлари, ҳодимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган бошқа низомилар (меҳнат шартлари, бандлик, ижтимоий қафолатлар ва бошқалар) иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари томонидан тегишли касаба уюшмалари ёки уларнинг бирлашмалари органлари билан келишган ҳолда қабул қилинадиган (тасдиқланадиган) жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа шартномалари ёхуд корхонанинг бошқа локал ҳужжатларида мустаҳкамланади.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари ҳодимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган маълумотлар ва бошқа ҳужжатларни давлат органлари ва бошқа органлардан, шунингдек, ташкилотлардан сўраш ва олиш ҳуқуқига эга, улар қонунда белгиланган тартибда сўралган ҳужжатлар ёки уларнинг таъдиқланган нусхаларини бепул беришга мажбур.

### 32-модда. Касаба уюшмаларининг жамоа шартномалари ва келишувлари юзасидан музокаралар олиб бориш ва тузиш ҳуқуқи

Касаба уюшмалари манфаатлари ифода этилаётган ҳодимлар номида жамоа музокараларини олиб бориш, жамоа шартномалари ва келишувларини тузишда устувор ҳуқуққа эга.

Жамоа шартномаси, келишувини тузиш, ўзгартириш ва тўдиратиш учун иш берувчи, иш берувчилик бирлашмаси (уларнинг вакиллари) билан касаба уюшмалари ўртасида музокаралар олиб борилади.

Зарур ҳолларда музокараларда ижро этувчи ҳокимият органлари иштирок этади. Иш берувчилар, ижро этувчи ҳокимият органлари касаба уюшмалари ёки ҳодимларнинг бошқа вакиллик органлари кўриб чиқиш учун таклиф этган меҳнатга оид ва ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан музокаралар олиб боришга мажбурдир.

Иш берувчининг вакили бўлган шахсларга ҳодимлар номида музокаралар олиб бориш ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларини тузиш таъқиқланади. Касаба уюшмалари жамоа шартномалари ва келишувларининг ижроси устидан назоратни амалга оширишга мажбур. Иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари, ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан жамоа шартномалари, келишувлари шартлари бузилган ҳолларда касаба уюшмалари уларга ушбу камчиликларни бартараф этиш ҳақида тақдимнома юборишга ҳақли ва у бир ҳафталик муддатда кўриб чиқилади. Мазкур ҳуқуқбузилишни бартараф этиш рад этилган ёки кўрсатилган муддатда келишув эришилмаган тақдирда келишмовчилик қонунчиликка мувофиқ кўриб чиқилади.

### 33-модда. Касаба уюшмаларининг бандликка кўмаклашиш соҳасидаги ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари иш билан таъминлаш борасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, ишдан бўшатиб олинаётган ҳодимларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни таклиф этиш, аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шу жумладан, ўз ташаббуси билан, тегишли жамоа келишувларига, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини қучайтирувчи, қонунчиликка зид бўлмаган шартларда ва тартибда мақбул келадиган ишни тақдим қилиш, ишсиз шахсларни рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш, шу жумладан бандликка кўмаклашиш фонди маблағлари ҳисобига ишсизлик нафақаси, жамоат ишларида меҳнатга ҳақ тўлаш, шунингдек, касбий таълим олиш даврида стипендиялар миқдорлари ва тўлов мuddатларини узайтиришни киритишни таклиф этиш ҳуқуқига эга.

Иш берувчи ҳодимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида, лекин камиди икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органи ёки ҳодимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган масоҳатли ишларни амалга оширади.

Касаба уюшмалари жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун, ҳодимларни оммавий равишда ишдан озод этишни олти ой мuddатгача тўхтатиб туришни, айна вақтда ушбу тўхтатиб туриш оқибатида келиб чиқадиган зарарни тўлиқ ёки қисман қоплаш тўғрисида таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

Жамоа шартномалари ёки келишувларида назарда тутилган ҳолларда, агар қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, касаба уюшмасининг олдидан розилиги-

ни олмасдан туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмади.

### 34-модда. Касаба уюшмаларининг ҳодимларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида ҳуқуқлари

Касаба уюшмаларининг ижтимоий сугурта, меҳнат шартлари, яшаш шароитларини яхшилаш, маданий манфаатларини қондириш, пенсия таъминоти, ҳодимлар ижтимоий ҳимоясининг бошқа турлари, меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдорини, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, кўшимча тўловларни белгилаш, нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражасидан келиб чиқиб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми, бандликни таъминлаш, ҳодимларни қайта ўқитиш, ишдан озод этиш шартлари, иш вақти ва дам олиш вақтининг давомийлиги, ишни ўқиш билан қўшиб олиб борувчи шахслар учун кўшимча имтиёзлар, ихтиёрий ва мажбурий тиббий сугуртани амалга ошириш тартиби, ҳодимларни яқка тартибда жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига иш берувчи томонидан кўшимча бадалларни киритиш миқдори ва мuddатлари соҳасидаги ҳуқуқлари қонунчилик, шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувлари билан тартибга солинади.

Касаба уюшмалари инсоннинг муносиб ҳаёти ва эркин ривожланишини таъминлайдиган шароитларни яратишга йўналтирилган ижтимоий дастурларни шакллантиришда, ҳодимларни ижтимоий ҳимоя қилишга, турмуш даражасининг асосий мезонларини белгилашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

### 35-модда. Касаба уюшмаларининг ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича ахборот олиш ҳуқуқи

Касаба уюшмалари ўз устав фаолиятини амалга ошириш учун иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари, давлат органларидан ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича ахборотларни бепул ва тўсқинликсиз олиш ҳуқуқига эгадир.

Касаба уюшмалари олинган ахборотларни иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари (иттифоқлар, уюшмалар), ташкилотнинг бошқарув органлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакилларини таклиф этган ҳолда муҳокама қилишга ҳақли.

Касаба уюшмалари ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига ахборот олиш юзасидан мурожаат қилишга ҳақли. Касаба уюшмасининг сўровига жавоб жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ имкон даражасида қисқа мuddатда берилиши лозим.

### 36-модда. Касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича давлат дастурларини шакллантиришда, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш ва касб касалликлари масалаларини тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмалари лойиҳалаштирилаётган, қурилаётган ва фойдаланишга топширилаётган ишлаб чиқариш объектларида меҳнат шароитлари хавфсизлигини экспертиза қилишда, шунингдек, лойиҳалаштирилаётган ва фойдаланишга топширилаётган механизмлар ва асбоб-ускуналарнинг хавфсизлигини экспертиза қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бузилишлари сабабларини аниқлаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текшириш, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси йиғилишларида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги ҳуқуқларга эга: ташкилот раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш қондалари, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари ҳақида ахборот олиш; ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш;

иш берувчи ҳодимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилганда ишларни тўхтатиш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бузилишини бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш; меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича иш берувчилар томонидан мажбурийларининг бажарилишини назорат қилиш; ишлаб чиқариш объектлари ва ишлаб чиқариш воситаларини тажрибадан ўтказиш ва фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссия ишида, тиббий-меҳнат эксперт йиғилишларида мустақил экспертлар сифатида иштирок этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норма-

тив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузишда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни яширишда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат қилиш;

меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда шикастланиш ёки соғлиққа етказилган бошқача зарарларни қоплаш, шунингдек, меҳнат ва соғлиқни муҳофаза қилиш соҳасида ҳодимлар ҳуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда ҳодимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг, жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган мажбуриятларнинг бузилиши, шунингдек, меҳнат шартларини ўзгартириш билан боғлиқ меҳнат низолатларини кўриб чиқишда иштирок этиш.

### 37-модда. Касаба уюшмаларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари ва уларнинг инспекциялари иш берувчилар, мансабдор шахсларнинг меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини унинг барча усулларида ва барча иш ўринларида амалга ошириш ва аниқланган камчиликларни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнида касаба уюшмалари қуйидагиларга ҳақли:

тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқиш, уларни ташкил этиш, шунингдек, уларда иштирок этиш;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органлари ва иш берувчилардан сўраб олиш;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш ҳамда уларни тегишли давлат органлари ва иш берувчиларга кўриб чиқиш учун юбориш;

ҳодимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, материалларни давлат меҳнат инспекциясига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш;

давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиш; жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилиш.

Меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларига риоя қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун касаба уюшмалари ва уларнинг бирлашмалари ўзларининг касаба уюшмалари инспекцияларини тузиш ҳуқуқига эга.

### 38-модда. Касаба уюшмаларининг меҳнат низолатини кўриб чиқишда ҳодимлар манфаатларини ҳимоя қилишга оид ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари, ташкил этилиши ва фаолияти қонунчилик билан белгиланган меҳнат низолати комиссиялари ишида иштирок этади.

Касаба уюшмалари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишини бартараф этишни талаб қилиш, ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари судга мурожаат қилишда давлат божини тўлашдан озод этиладилар. Касаба уюшмалари жамоаларга доир меҳнат низолатини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ҳодимларнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва касбий манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмалари юридик хизматлар ва маслаҳатлар тузишлари, шунингдек, шартнома асосида тегишли мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмаларининг ҳодимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаати меҳнат тўғрисидаги қонунчилик бузилишини бартараф этиш ҳақидаги касаба уюшмаси ёки инспекторнинг тақдимномасини ижро этишни рад қилиш (қисман ижро этиш) ҳақида иш берувчининг жавоби олинган кундан, шунингдек, ҳодим касаба уюшмасига ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаат қилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай берилиши мумкин.

### 39-модда. Касаба уюшмаларининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тузилиши ва бажарилишида иштирок этиш ҳуқуқи

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари қонунчиликка мувофиқ ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларига таъсир этадиган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш ва бажарилишида иштирок этади. Касаба уюшмалари тегишли органларнинг халқаро шартномалар шартларининг

ижро этилишига доир ҳисоботларини эшитишга ҳақли.

## 6-БОБ. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

### 40-модда. Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари

Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: қонунийлик; оммавийлик ва очикилик; ҳолислик ва беғаразлик; натижаларнинг ишончилиги; жамоатчилик назоратини амалга оширишга давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар ва уларнинг вакилларининг аралашувига йўл қўйилмаслиги.

### 41-модда. Жамоатчилик назоратининг объекти ва предмети

Идоравий мансублигидан қатъи назар ҳар қандай иш жойи жамоатчилик назоратининг объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқароллиги бўлмаган шахсларнинг меҳнат ёки ижтимоий-иқтисодий манфаатларига тааллуқли ҳар қандай мурожаати жамоатчилик назоратининг предмети бўлиши мумкин.

### 42-модда. Жамоатчилик назоратининг шакллари

Жамоатчилик назоратининг шакллари қуйидагилардан иборат:

давлат ва нодавлат органлар, шунингдек, иш берувчи ва уларнинг бирлашмаларига мурожаатлар ва сўровлар; давлат органлари ва судларнинг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш; жамоатчилик муҳокамаси; жамоатчилик шиквати; жамоатчилик мониторинги; жамоатчилик экспертизаси; давлат органларининг мансабдор шахслари, иш берувчилар ва уларнинг вакиллари ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш.

Касаба уюшмалари жамоатчилик назоратини қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга ошириши мумкин.

### 43-модда. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида мурожаатлар ва сўровлар

Касаба уюшмалари давлат ва нодавлат органларига, шунингдек, иш берувчи ва уларнинг бирлашмаларига аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилишга, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга сўровлар юборишга ҳақли.

Касаба уюшмаларининг мурожаатлари ва сўровлари Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда ва шартларда кўриб чиқиши шарт.

Касаба уюшмаларининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқи, агар мазкур ахборот шахсга доир маълумотлар ёхуд давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чекланиши мумкин.

### 44-модда. Давлат органлари ва судларнинг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш

Касаба уюшмалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари ҳайъатининг очик мажлисларида ва суд мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Мазкур органлар ўзларининг очик ҳайъат мажлисларида касаба уюшмалари иштирок этиши учун шароитлар яратиши лозим.

### 45-модда. Жамоатчилик муҳокамаси

Жамоат аҳамиятга молик масалаларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилиш жамоатчилик муҳокамасидир.

Жамоатчилик муҳокамаси турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан, муҳокама этилаётган масала ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирокида ўтказилиши мумкин.

# Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни

4-2-3

## 46-модда. Жамоатчилик эшитуви

Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари фаолиятига тааллуқли ва жамоат аҳамиятига молик бўлган ёхуд ходимларнинг ёки умуман қорхонанинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилиш жамоатчилик эшитувдир.

Жамоатчилик эшитуви турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан, муҳокама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирокида ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик эшитуви оммавий ва очик ўтказилади. Жамоатчилик эшитувининг иштирокчилари жамоатчилик эшитувга киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишга ҳақли.

Жамоатчилик эшитувининг ташкилотчиси жамоатчилик эшитувга киритилаётган масалалар, эшитувни ўтказиш мuddати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан жамоатчиликка эълон қилади. Бунда ташкилотчи жамоатчилик эшитувининг барча иштирокчиларига, ўз ихтиёридаги, жамоатчилик эшитувга киритилаётган масалаларга тааллуқли бўлган материалларга эркин кириш имкониятини таъминлайди.

## 47-модда. Жамоатчилик мониторинги

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар ва уларнинг бирлашмаларини ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларига дахлдор фаолияти бўйича ахборот йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали кузатиш жамоатчилик мониторингидир.

Жамоатчилик мониторинги оммавий ва очик ўтказилади. Жамоатчилик мониторинги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин. Жамоатчилик мониторингининг ташкилотчиси жамоатчилик мониторингининг объекти, уни ўтказиш мuddати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан жамоатчиликка эълон қилади.

## 48-модда. Жамоатчилик экспертизаси

Жамоатчилик экспертизаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун уларни ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборатдир.

Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси тегишли соҳада зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни жамоатчилик асосида жалб этиши ҳам мумкин.

## 49-модда. Давлат органлари мансабдор шахслар, иш берувчилар ва уларнинг вакиллари ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш

Касаба уюшмалари: давлат органлари раҳбарлари, иш берувчилар ва раҳбарлар (мансабдор шахслар)нинг ҳисоботларини;

тегишинча поликлиникалар раҳбарларининг ходим соғлиги ҳақидаги ахборотини; ходимларнинг, уларнинг ишига доир бирон-бир масалалари бўйича мурожаатларини эшитади.

## 7 БОБ. КАСАБА УЮШМАЛАРИ ИНСПЕКЦИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ

### 50-модда. Касаба уюшмалари инспекцияларини ташкил этиш

Касаба уюшмаси ва уларнинг бирлашмалари ўз қарори билан касаба уюшмасининг тегишли инспекциясини ташкил этиш, унинг низомини тасдиқлаш, шунингдек, тегишли касаба уюшмаси инспекторларини тайинлаш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмаларининг инспекторлари иш берувчи мансаб ёки бошқача қарамликда бўлиши мумкин эмас.

### 51-модда. Касаба уюшмалари инспекцияларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Касаба уюшмалари инспекторлари ўз вазифаларини бажаришда куйидаги ҳуқуқларга эга: иш берувчилар томонидан меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ва меҳнат ҳуқуқи нормаларини ўзида ифодалаган бошқа ҳужжатларга, касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунчиликка, шунингдек, жамоа шартномалари, келишувлари, меҳнат шартномаси шартлари бажарилишига риоя қилиниши устидан жамоат назоратини амалга ошириш мақсадида, касаба уюшмаси мавжудлигидан қатъи назар, ташкилотга, иш жойларига тўсқинликсиз кириш;

ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларни ташкилотнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари, ижро ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, иш берувчилардан сўраш ва бепул олиш;

ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ходимларнинг ҳуқуқ ва касбий манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз ташаббуси билан ёки ходимларнинг илтимосига кўра судда ёки меҳнат низоларини кўраётган бошқа органларда вакил сифатида ҳаракат қилиш; ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда белгиланган тартибда иштирок этиш;

ташкилот раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларига меҳнат, касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунчиликни ва ўзида меҳнат ҳуқуқи нормаларини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ифодалаган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бузишни бар-тараф этиш, ҳуқуқбузарликлар учун айбдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, қонунда белгиланган тартибда меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида кўриб чиқиш мажбурий бўлган тақдимнома киритиш;

қонунлар ва меҳнат ҳуқуқи нормалари ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ўзида ифодалаган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бузишда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича тақдимнома билан тегишли давлат органига мурожаат қилиш; агар давлат меҳнат инспектори ҳаракатларида ноқонунийлик ёки ноҳилолик кузатилса, унга ишончсизлик билдириш.

Касаба уюшмаси бирлашмаси инспектори қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Касаба уюшмалари инспекторлари куйидагиларга мажбур:

қонунчилик талаблари ва этика қоидаларига риоя қилиш, манфаатлар тўқнашувларига йўл қўймаслик;

иш берувчиларнинг, ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятига аралашмаслик;

ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида танишиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш ва тижорат сирларини ташкил қилувчи маълумотларни ошқор қилмаслик, шу жумладан, лавозимидан кетганидан кейин ҳам;

ходимнинг (ходимларнинг) розилигисиз меҳнат қонунчилиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, жамоа шартномалари, келишувлари, шунингдек, меҳнат шартномаси шартлари бузилганлиги тўғрисидаги инспекторга келиб тушган шикоятларнинг манбасини иш берувчига очиб бермаслик; тегишли касаба уюшмаси органига ҳар чорақда меҳнат қонунчилигининг, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бузилганлиги аниқланган ҳамда уларни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги ахборотларни тақдим этиш.

Касаба уюшмалари инспекторлари томонидан тақдим этилган ахборотлар умумлаштирилади ва ҳар йили кейинги йилнинг 1 майидан кечиктирмай чоп этилади.

Касаба уюшмалари инспекторлари қонунчиликка, тегишли касаба уюшмаси уставига, шунингдек, касаба уюшмалари инспекциялари тўғрисидаги тегишли низомларга мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

### 52-модда. Касаба уюшмалари инспекцияларининг жавобгарлиги

Касаба уюшмалари инспекторлари ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

## 8-БОБ. КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИ

### 53-модда. Касаба уюшмалари мулкӣ ҳуқуқларининг кафолатлари

Давлат касаба уюшмалари мулкнинг дахлсизлигини ва ҳуқуқини ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Касаба уюшмалари ўз пул маблағларини мустақил тасарруф этади.

Банк муассасалари касаба уюшмаларининг пул маблағларидан фойдаланиш йўналишларини белгилаш ва назорат қилиш ҳуқуқига ҳамда уларнинг пул маблағларидан ўз хоҳишларига кўра фойдаланиш ҳуқуқига, қонун ёки банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилмаган, бошқа чекловлар белгилашга ҳақли эмас.

Касаба уюшмаларининг мол-мулк давлат фойдасига олиб қўйилши ва мусодара қилиниши мумкин эмас (қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Касаба уюшмаларининг мол-мулк реквизиция қилиниши мумкин эмас (табiiй офатлар, талафотлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва фавқулодда аҳамият касб этган бошқа холатлар бундан мустасно), бунда реквизиция қилинаётган мол-мулкнинг қиймати касаба уюшмасига тўланади. Реквизиция қилиш тўғрисидаги қарор, қонунчиликда белгиланган тартиб ва шартларда, давлат ҳокимияти органи томонидан қабул қилинади.

Касаба уюшмалари мол-мулкни давлат фойдасига олиб қўйиш, мусодара қилиш ёки реквизиция қилиш устидан суд тартибда шикоят қилишга ҳақли.

### 54-модда. Касаба уюшмаларининг фаолиятига аралашмаслик кафолатлари

Давлат касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатлайди, уларни қўллаб-қувватлашнинг шакллари ва шартларини белгилайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, иш берувчилар ва уларнинг вакиллари касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя қилишга, уларнинг фаолиятига кўмаклашишга мажбурлар. Касаба уюшмаларининг қонуний фаолиятига ҳар қандай шаклда тўсқинлик қилиш, шунингдек, аралаш тақиқланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, иш берувчилар ёки уларнинг ваколатли шахслари ташаббуси билан касаба уюшмаларининг фаолиятини тугатишга йўл қўйилмайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, иш берувчилар, уларнинг ваколатли шахслари мазкур модданинг иккинчи ва учинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатларни содир этганда қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

### 55-модда. Касаба уюшмаларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш

Давлат касаба уюшмалари фаолиятини субсидиялар, грантлар, ижтимоий буюртмалар шаклида, учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилиш ва қонунчиликка мувофиқ бошқа шаклларда қўллаб-қувватлаши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахслар касаба уюшмалари фаолиятини молиявий ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаши мумкин.

### 56-модда. Касаба уюшмалари органлари таркибига кирувчи ходимларнинг меҳнат кафолатлари

Касаба уюшмалари органи таркибига кирган ходимларга уларнинг касаба уюшмаси фаолиятини амалга ошириш муносабати билан иш берувчи томонидан бирон-бир шаклда таъқиб қилинишдан ҳимоя этиш кафолатланади.

Касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек, касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ходимлар билан, уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугганидан кейин икки йил давомида, мазкур шахслар касаба уюшмаси фаолиятини олиб борган касаба уюшмасининг розилигини олмай туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Касаба уюшмаси раҳбари ҳисобланган ва ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек, касаба уюшмаси раҳбарлик лавозимини эгаллаган ходимлар билан ваколатлари туганидан кейин икки йил давомида, тегишли касаба уюшмаси бирлашмасининг розилигини олмай туриб иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Касаба уюшмаларининг вакиллик органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган муносабати билан ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилган ходимларга уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати туганидан кейин аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаса, - аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

Касаба уюшмаларининг вакиллик органларига сайланган ходимларга тегишли иш (лавозим) бериш имконияти бўлмаган тақдирда улар қонунларда ёки жамоа шартномалари, келишувларида назарда тутилган имтиёزلардан фойдаланадилар.

### 57-модда. Касаба уюшмаларининг фаолиятини амалга ошириш учун шароитлар яратиб бериш бўйича иш берувчининг мажбуриятлари

Иш берувчининг мажбуриятлари: касаба уюшмаларининг ҳўмаклашиш; ходимларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишда касаба уюшмалари билан маслаҳатлар ўтказиш, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда эса уларнинг розилигини олиш;

касаба уюшмаси таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва қабул қилинган қарорлар бўйича асосланган ёзма шаклда хабар бериш; манфаатларини ифода этаётган ходимларнинг иш жойларига касаба уюшмаларининг сайланган органи вакиллари тўсқинликсиз қўйиш;

касаба уюшмаларига меҳнат, ташкилот фаолияти, бошқа ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича зарур ахборотларни текин бериш; касаба уюшмалари томонидан ўз вазифаларини бажариш учун зарур шароитларни таъминлаш;

касаба уюшмаси органига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилмаган

шахсларга касаба уюшмаси вазифаларини бажариш учун иш вақтида вақт бериш. Бунда касаба уюшмаси вазифаларини бажариш учун ажратилган вақт иш ҳафтаси умумий соатларининг 30 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Касаба уюшмаларига жамоа шартномалари, келишувларида белгиланган миқдорда маблағларни ўтказиш;

Агар жамоа шартномасида назарда тутилган бўлса, ушлаб қўлинган аъзолик бадалларини касаба уюшмасининг тегишли ҳисобига ўз вақтида ўтказиб бериш.

Иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда касаба уюшмалари ва уларнинг органларига нисбатан бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

### 58-модда. Касаба уюшмалари инспекциялари фаолиятининг кафолатлари ва уларни таъминлаш

Давлат касаба уюшмалари инспекциялари инспекторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахслари, иш берувчилар касаба уюшмалари меҳнат инспекторлари ҳуқуқларига риоя қилишга уларнинг фаолиятига кўмаклашишга мажбур. Касаба уюшмалари инспекторларнинг қонуний фаолиятига ҳар қандай шаклда тўсқинлик қилиш тақиқланади.

Касаба уюшмалари инспекторлари ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда бирон-бир шаклда таъқиб қилиниши мумкин эмас.

## 9 БОБ. МЕҲНАТ СОҲАСИДА ИЖТимоий ШЕРИКЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

### 59-модда. Касаба уюшмалари билан иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари, ижро ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатлар

Касаба уюшмаларининг иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари, ижро ҳокимияти органлари билан муносабатлари ижтимоий шериклик, шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувлари тизими асосида қурилади.

Касаба уюшмалари давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ходимларнинг ижтимоий-меҳнат муносабатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий суғурта, аҳолини иш билан таъминлаш, фуқароларнинг пенсия таъминоти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, санаторий-курортда даволаниш бўйича масалалар, шунингдек, уставда назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳал этиш учун ўзаро алоқаларни амалга оширишга ҳақли.

### 60-модда. Меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари

Меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари куйидагилар: қонунчилик нормаларига риоя қилиш; тарафлар вакилларининг ваколатчилиги; тарафларнинг тенг ҳуқуқчилиги; тарафларнинг манфаатларини ҳурмат қилиш ва ҳисобга олиш; ижтимоий-меҳнат соҳасида масалаларни эркин танлаш ва муҳокама қилиш; мажбуриятлар олишнинг ихтиёрийлиги; олинган мажбуриятларнинг амалда ҳақиқатда таъминланиши; олинган мажбуриятларнинг тарафлар томонидан бажарилиши мажбурийлиги; назоратнинг тизимлилиги; жавобгарликнинг муқаррарлиги.

### 61-модда. Меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликнинг тарафлари

Меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликнинг тарафлари куйидагилар ҳисобланади: Ходимлар, касаба уюшмалари тимсолида; иш берувчилар, ўрнатилган тартибда ваколат берилган вакиллари тимсолида; давлат бошқаруви органлари.

### 62-модда. Меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик органлари

Ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишни таъминлаш, жамоа музокараларини (маслаҳатлашулар) олиб бориш ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларини тайёрлаш, уларни тузиш, шунингдек, уларнинг бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш учун тенглик асосида тарафларнинг қарори билан зарур ваколатларга эга бўлган комиссия тузилади.

Республика даражасида ижтимоий-меҳнат муносабатлари бўйича доимий асосда фаолият юритувчи уч томонлама комиссия тузилади. Мазкур комиссиянинг аъзолари бўлиб касаба уюшмалари республика бирлашмалари, республика иш берувчилар бирлашмалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вакиллари ҳисобланади.

Тармоқ даражасида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича доимий фаолият юритувчи комиссия тузилади. Мазкур комиссиянинг аъзолари бўлиб тармоқ касаба уюшмалари бирлашмалари, тармоқ иш берув-

чилар бирлашмалари вакиллари, шунингдек тарафларнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик, идоралар вакиллари ҳисобланади.

Худуд (минтақа) даражасида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича доимий фаолият юритувчи уч томонлама комиссия тузилади. Мазкур комиссиянинг аъзолари бўлиб худудий касаба уюшмалари бирлашмаси, худудий иш берувчилар бирлашмаси вакиллари, шунингдек, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари вакиллари ҳисобланади.

Локал даражада жамоа музокараларини олиб бориш учун бошлангич касаба уюшмаси ва иш берувчилар вакиллари билан иборат икки томонлама комиссия тузилади.

### 63-модда. Касаба уюшмаларининг ижтимоий шерикликда иштирок этиш шакллари

Касаба уюшмалари ижтимоий шерикликда: жамоа шартномалари, келишувлари лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни тузиш бўйича жамоа музокараларини ўтказиш; жамоа шартномалари ва келишувларининг тегишли қоидаларининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ташкilotнинг локал ҳужжатлари лойиҳаларини келишиш;

ижтимоий-меҳнат ва у билан бевосита боғланган бошқа муносабатларни тартибга солиш масалалари бўйича келишувга эришишда тарафларнинг ўзаро маслаҳатлар ўтказиши; ташкilotнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишда иштироки; меҳнат низоларини ҳал этишда қатнашиш орқали иштирок этади.

Касаба уюшмалари ижтимоий шерикликда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа шаклларда ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга.

## 10-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

### 64-модда. Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунчиликни бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### 65-модда. Касаба уюшмаларининг фаолияти билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш

Касаба уюшмалари фаолияти билан боғлиқ ва касаба уюшмалари томонидан ўз устав вазифаларини ижро этиш муносабати билан юзага келган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

### 66-модда. Ушбу Қонунни ижро этиш, моҳияти ва мазмунини етказиш, тушунтиришни таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкilotлар ушбу Қонуннинг ижро этилишини, ижро этувчиларга етказишни, аҳолига унинг мазмун ва моҳиятини тушунтириш берилишини таъминласин.

### 67-модда. Айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топши.

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги 638-XII-сонли «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ведомости, 1992 й., №99, 344-бет);
- 2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги Постановление Верховного Совета Республики Узбекистан от 2 июля 1992 года 639-XII-сонли «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ведомости, 1992 й., №99, 345-бет);
- 3) Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасининг

Навоий вилояти

## Ёш қутқарувчилар баҳси

«Зарафшон» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ташкил этилган тадбирга подполковник Суннатилло Хушбоқов бошчилигида ҳарбий қисм вакиллари ташриф буюрди. Шартнома асосида ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар намоиш этган қурол-аслаҳа кўргазмаси ва ҳарбий чиқишлар болажонларга ўзгача завқ-шавқ улашди.


Шу кунги оромгоҳда тарбиячи ва тарбияланувчилар билан «Табиий хусусиятли (зилзила) факултетада вазиятларнинг олдини олиш ва у содир бўлганда раҳбар таркиб ҳаракати» мавзусида «Ёш қутқарувчи» тадбири ўтказилди. Тадбир да-

вомида ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан кўргазмалар чиқишлар намоиш этилди. Бундан ташқари, дам олувчилар иштирокида «Ёнғин содир бўлганда қандай ҳаракат қилиш лозим?», «Зилзила натижасида бузилган бинолар ичида қолган жабр-

ланувчини олиб чиқиш ва биринчи тез ёрдам кўрсатиш» ва «Тақиқланган жойларда чўмилишнинг салбий оқибатлари» мавзусида кўргазмалар амалий машғулотлар ўтказилди.

Оромгоҳда ўтказилётган бундай тадбирлар – спорт мусобақалари, кўрик-танловлар болажонларнинг нафақат мароқли дам олишлари, балки билим доираси ва дунёқараши кенгайтишига ҳам хизмат қилмоқда.

Гулзода ХОЛМАТОВА,  
«Зарафшон» оромгоҳи раҳбари



Қашқадарё вилояти

## «Мингчинор»да ҳузурбахш дамлар

Шаҳрисабз туманида бунёд этилган «Зиё чашмалари» оромгоҳининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

### «Зиё чашмалари» жўшқин

Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рўзиев оромгоҳнинг рамзий қалитини ушбу маскан бошлиғи Собир Мўминовга тантанали равишда топширди. Бунёдкорлик ишларида жонбозлик кўрсатган «Қасаба саноат» МЧЖнинг раҳбар ва фаол ходимларига эсдалик совғалари тақдим этилди.

«Зиё чашмалари»да 300 нафар бола дам оляпти, – дейди «Қасаба саноат» МЧЖ раҳбари Абдуқаном Жалилов. – Ўғил-қизларнинг юзидаги қувончни кўриб, чарчогимиздан асар ҳам қолмади.

Компьютер тўғрисида қатнашган, – деди Ғузур туманидан келган дам олувчи Муҳаммаджон Акрамжонов. – Бундан ташқари, «Коинотлар оламига саёҳат», «Биология энциклопедияси» китобларини ўқиятман. Турли тадбирлар туфайли таассуротларим муттасил ортиб бораётди.

Китоб туманидаги Мингчинор ҳудудида жойлашган «Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» АЖга қарашли «Нурафшон» болалар оромгоҳида ҳар йили болажонлар учун тўхфа ҳозирлаш аънаанага айланган. Жўмладан, жорий йилда 150 ўринли ётоқхона биноси фойдаланишга топширилди.


«Нурафшон»га етти йилдан бери келаман, – деди дам олувчи Рухшона Абдулвахобова. – Сўлим табиат танга ҳузур ва ором бағишлайди.

Бу йилги дам олиш ҳам турли тадбирларга, билим ва заковатни чарчлайдиган танловларга бой тарада ўтяпти.

«Болаларга беринг дунёни!» шиори остида уюштирилган расмлар кўрик-танлови кўплаб истеъдод эгаларини кашф этди.

«Спорт – менинг келажагим» туркумида шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

«Менинг севимли китобим» тадбирида эса энг кўп асар ўқиган дам олувчилар ўзаро беллашди. Яқинда ҳар бир йўналишда қатнашган фаол ўғил-қизларга «Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» АЖ касабаси раҳбарлари ва фаол ходимлари уюшма кўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.



Акмаль АБДИЕВ,  
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

Зомин тоғлари бағридаги Олмалик кон-металлургия комбинатига қарашли «Истиқлол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида мавсум мароқли ўтмоқда.

## «Истиқлол»да шодлик садоси

Усмонлисой қишлоғида жойлашган ушбу оромгоҳдаги орасталлик ва гузалликдан кўзингиз қувонади. Арчалардан таралган муаттар бўйни айтмайсизми! Ариқларда шилдираб оқаётган сув, ранг-баранг гуллар, ям-яшил майсалар оромгоҳга ўзгача бир жозиба бахш этган. Дам олиш айвонларида машғул ўтказётган ўқувчиларнинг шўх-шодон овози олис-олисларга таралади. Чўмилиш ҳавзаси болажонлар билан гавжум.

Мусобақалардан олдин сузиш хавфсизлиги қондаларини яна бир бор эслатамиз, – дейди жисмоний тарбия тўғрисида раҳбари Фарҳод Рўзиев. – Спортнинг бу тури болаларнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний ривожланишига кўмаклашади. Сабаби, сузиш жараёнида деярли барча аъзолар ҳаракатда бўлади.

Оромгоҳда «Сеҳрли ноталар», «Жисмоний чиниқиш», «Компьютер

саводхонлиги», «Ёш китобхон», «Ёш суҳандон», «Ёш табиатшунослар» тўғрисида фаолияти йўлга қўйилган. Турли йўналишдаги иқтидорли ва истеъдодли ёшлар алоҳида рағбатлантирилади.

Мини-футболга қизиқаман, – дейди дам олувчи Баҳодир Мамаюсов. – Сунъий қопламалар майдонда футбол ўйнаш мароқли. Маҳоратимизни ошириб, бўлажак мусобақаларга пухта ҳозирлик кўряпмиз.

Оромгоҳ кутубхонасида болаларбоп адабиётлар кўп. Тўғрақда «Ёш китобхон», «Энг фаол китобхон», «Мен севган асар» мавзуларида баҳс-мунозаралар уюштирилиб, шеърхонлик, ғазалхонлик кечалари ўтказилляпти. Омина Алиева дам олувчилар ўртасида энг кўп китоб ўқиган ўқувчи сифатида рағбатга сазовор бўлди.

Болажонларни мароқли дам ол-

диришда шифокор Раъно Худойбердиева, ҳамшира Покиза Жўраева, тарбиячи Гулзода Эшматова, кўриқлаш хизмати ходими Икром Қурбоналиев алоҳида жонбозлик кўрсатяпти.

Дам олиш масканида ўтказилган барча тадбирлар давлатимиз раҳбари илгари сурган 5 та муҳим ташаббусни ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган, – дейди оромгоҳ раҳбари Дилором Усанова. – Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқини ошириш, истеъдодини юзага чиқаришга кўмаклашувчи тадбирлар режаси мавжуд. Унга кўра, дам олувчилар қобилиятини тўла-тўқис намоён этишига кўмаклашяпмиз. Компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш йўл-йўриқлари ўргатилмоқда. Ўқувчиларнинг дам олиш ва тадбирларда фаол қатнашиши учун комбинатимиз раҳбарияти ҳамда касабаси уюшма ташкилоти барча шароитни яратиб берган.

Ҳар босқичда 200 нафар, мавсум давомида 800 нафар ўғил-қизни дам олдириш режалаштирилган оромгоҳда ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларни мазмунли дам олдириш асосий мудирига айланган.

Абдусаттор СОДИҚОВ,  
журналист

## Беруний авлодларига совға

Шаҳрисабз шаҳридаги «Беруний» оромгоҳи қатор йиллардан буён «Йилнинг энг яхши оромгоҳи» номинациясида юқори ўринларга муносиб кўрилмоқда.

Мавсум арафасида «Ўзбурғнефтвер» АЖ бирлашган касабаси уюшма кўмитаси оромгоҳга 300 донна китоб совға қилди ва кутубхонадаги дурдоналар сони 2000 тадан ошди.

Масканимизда бир навбатда 555 нафар ўғил-қиз дам оляпти, – деди бош етакчи Алишер Зокиров. – Компьютер, инглиз тили, ҳар хил спорт турлари бўйича тўғрақлар, тикувчилик, тўқувчилик, рассомчилик, мусиқа йўналишлари бўйича машғулотлар ўт-

казилмоқда. Бундан ташқари, Шаҳрисабз бўйлаб саёҳатлар уюштирилади.

Оромгоҳда ташкил этилган «Ёш Беҳзодлар» «Компьютер кўникмалари», «Бисер тикиш», «Инглиз тили», «Ёш ижодкорлар», «Тикиш-бичиш», «Миллий рақс» тўғрисида болалар ўзлари қизиққан йўналишлар бўйича таҳсил олишяпти.

Акмаль АБДИЕВ,  
«ISHONCH»

Сурхондарё вилояти

Денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда жойлашган, чоратрофи баланд дарахтлар билан ўралган «Хонжиза» болалар оромгоҳида биринчи навбатда 260 нафар ўғил-қиз дам олган бўлса, айни пайтда 300 нафарга яқин болажон мириқиб ҳордиқ чиқармоқда.

## Завқ-шавққа тўла онлар

Қуюқ дарахтлар соясида дам олиш, тоғнинг тоза ҳавосидан баҳраманд бўлишнинг саломатликда ўрни беқиёс. Қолаверса, оромгоҳнинг 300 ўринли замонавий ошонасида кунига 5 маҳал ҳар хил таомлар тайёрланади. Бош ошпаз Марғуба Акбарова ва унинг ёрдамчилари Шаҳноза Бердиева, Муҳибилло Зубайдовнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар пишираётган ширин таомлар, хушхўр салатлар ва мева шарбатлари ўғил-қизларга манзур бўлмоқда.

Оромгоҳда ташкил этилаётган тадбирларга Президентимиз илгари сурган 5 та муҳим ташаббус асос бўлиб хизмат қилляпти. Ишти-

технологиялари ва хорижий тиллар ўргатилмоқда. Ўқиган бадиий асарлари юзасидан савол-жавоб, викторина уйинлари ташкил этилаётди.

Спорт майдончалари дам олувчилар билан гавжум. Ўйриқчи Тошпўлат Норов мини-футбол майдончасида хуштагини чалиб ўйинни бошлаб қўяди-да, сўнг уни бошқаришни ёрдамчисига юклаб, ўзи ё волейбол, ё баскетбол майдончаси томон чопади. Бир қарасангиз, сузиш ҳавзасида ўғил-қизлар билан нима ҳақидадир баҳслашиб турганини кўрасиз. Болалар шифокори Саидмурод Зарипов ҳам ошона ва спорт майдончалари орасида қатнаб чарчамайди.

Рустам ДАВЛАТОВ,  
«ISHONCH»

## Тарбияга йўналтирилган тадбирлар

Жиззах шаҳрининг «Турон» МФЙ ҳудудида жойлашган 9-умумтаълим мактаби қошидаги «Ниҳол» оромгоҳи остига қадам қўйишига билан иш режаси ҳамда дам олиш масканининг ҳаётини акс эттирувчи фотостендга кўзингиз тўшади. Одатдагидек эрталабки машқлардан сўнг уларни мазали нонушта, кейин эса «Ўрдақ-ғоз», «Бекинмачоқ» каби ўйинлар, «Менинг ўлкам», «Қанотли ҳимоячиларимиз» каби мавзулардаги кўрик-танловлар кутди. Тарбиячилардан Севара Султонова, Дилдора Қўшбоқова, Насиба Жумабоева болажонларнинг кўнглини ҳордиқ чиқариши учун билим ва маҳоратини ишга солишмоқда.

Оромгоҳдаги сўлим манзаралар, анвойи гуллар таратаётган ёқимли ифор, анҳорда оқаётган зилол сув дилларга ором ва ҳаловат бағишлайди.

Насиба Жумабоева ва Ноила Шокирова раҳбарлигидаги гуруҳлар иш фаолияти кўнглидагидек. Жисмоний тарбия ва спорт йўриқчиси етакчилигида ўғил-қизлар аънавий ўйинлардан ташқари «Тортишмачоқ», «Елкада кураш», «Ким қаққон?» каби миллий ўйинлар, оромгоҳ бўйлаб тез юриш ва югуриш машқларини бажаришади. Фароғат Ҳайдарова раҳбарлигида ташкиллаштирилган турли тадбирлар, саҳна кўринишлари, қўшиқ ва рақс танловлари ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда.

«Булбулча» ва «Бойчечак»

гуруҳларида эса қўли гул қизлар томонидан тикилган буюмлардаги кўзни қамаштирувчи ипаклар жиловлаш ва рангларнинг уйғунлашуви кишини ўзига мафтун этмай қўймайди.

«Соғлом турмуш тарзи» шиори остидаги семинар-тренинг машғулотлари, «Соғ танда – соғлом ақл» номли спорт тадбирлари ҳам болаларни соғлом ва иродали бўлишга ўргатмоқда.

Ҳар бир тадбир болалар дунёқарашини ўстириш, ижодий қобилиятини шакллантириш, маънавий камол топишида ёрдам берувчи асосий тарбия воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Дилфуза ШОКИРОВА,  
Жиззах шаҳридаги 9-умумтаълим мактаби қошидаги «Ниҳол» оромгоҳи раҳбари





Янги марказлар

айни аҳоли гавжум жойда очилди, – дейди «Ўзмиллийбанк»нинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси пул муомаласи ҳамда касса операциялари назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Шамшод Отажонов. – Бундан кўзланган мақсад – аҳолига янада яқин бўлиш, уларнинг банкнинг бош филиалига бориш учун сарфланадиган вақт ва пулини тежашдан иборат. Хусусан, шаҳарнинг Алгоритм даҳасида 20 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Минибанкда банк хизматларининг барча турлари амалга оширилади. Коммунал тўловлари, омонат операциялари, тезкор пул ўтказмалари, кредит расмийлаштириш, валюта айирбошлаш ва бошқа операциялар шулар жумласидан.

Минибанк кунига 300 нафаргача мижозга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Хуллас, мижозлар учун катта банкларда амалга оширилаётган барча хизматлар эндиликда минибанклар орқали ҳам амалга оширилади.

Бугунги кунда «Ўзмиллийбанк» тизимида 41 та хизмат кўрсатиш марказлари (минибанк) самарали фаолият юритиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил якунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларида яна 19 та, Тошкент шаҳар ҳудудида эса 6 та янги хизмат кўрсатиш марказлари очилиши режалаштирилган.

Озода РЎЗИҚУЛОВА,  
«ISHONCH»

«ЎЗМИЛЛИЙБАНК» хизмат доирасини кенгайтирмоқда

«Ўзмиллийбанк» аҳолига хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш мақсадида янги марказларини ишга туширмоқда. Яқинда Тошкент шаҳрининг Чорсу ҳамда Алгоритм даҳасида хизмат кўрсатиш марказлари сони яна иккитага ортди.

А йни пайтда Тошкент шаҳри ҳудудида «Ўзмиллийбанк»нинг 16 та филиали, 4 та хизмат кўрсатиш маркази, 15 та махсус касса ва 21 та валюта айирбошлаш шохобчаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

тасида ошиб бораётган рақобат шароитида қулай жойларда хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этиш ва мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш тижорат банклари ривожланишининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

– Иккита янги очилган марказ

– Банк филиалларининг умумий сони республика бўйича 90 тани ташкил этса, бу каби хизмат кўрсатиш марказлари 41 тани ташкил этади, – дейди «Ўзмиллийбанк»нинг бўлим ва филиалларини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Шоназар Раимбергенов. – Ушбу хизмат кўрсатиш марказлари аҳолига ва тадбиркорга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш, кўшимча қулайликлар яратиш ҳамда янги турдаги банк маҳсулотларини тақдим қилишни мақсад қилган. Марказларда ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи автоматлаштирилган замонавий банк усуналарини ўрнатиш орқали кеча-ю кундуз хизмат кўрсатишни амалга ошириш ниятида.

Мамлакатимизда банклар ўр-



Бухоро вилояти

Далалардан хабарлар

Қорақалпоғистон Республикаси

Сўғориш ишларида обихаётни тежаш усуллари, бунинг учун зарур жиҳоз ва усқуналар, уларнинг турлари, хусусиятлари, ишлаш механизмлари, техникаларни ўрнатиш тартиблари, шунингдек, бундай мосламаларни ишлаб чиқарувчи, лойиҳаловчи, қўриб берувчи тадбиркор ҳамда ташкилотлар, солиқ тўлови ва кредит ажратишдаги имтиёзлар, зарур технологик воситаларнинг баҳоси, қулай нархлардаги хариди...

Томчи ҳақида «Томчи»да

Ш улар ҳақида батафсил маълумот олмақчимисиз? Бунда сизга «Томчи», яъни андроид типидagi қўл телефонларига мўлжалланган мобил илова яқин кўмакчи бўлади.

Таъкидлаш лозимки, интернет орқали ишлайдиган мазкур ўзига хос электрон дастур Швейцария тараққийи ва ҳамкорлик агентлиги молиялаштирган «Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш» миллий лойиҳаси доирасида Сув хўжалиги вазирлиги томонидан яратилди. Кўзланган мақсад аниқ обихаётни тежашнинг замонавий, самарадор технологиялари имкониятларидан, уларни жорий этиш йўли-йўриқларидан кишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари ҳамда фермерларнинг хабардорлигини оширишдир. Шу орқали сўғориш жараёнининг оддий усулларидан кўра афзал ҳамда самарали саналган томчилатиб, ёмғир кўринишида сўғориш технологияларини оммалаштириш режалаштирилмоқда.

Мева-сабзавот, кишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда айна шундай усулларни қўллашнинг фойдали томонлари вазирлиқнинг Ахборот, аналитик ва ресурс маркази порталига уланган мобил илова саҳифаларида аниқ мисоллар билан тўшутирилган. Бундай технологияни жорий этишга кетадиган маблағни тахминий ҳисоб-китоб қилиш, буюртмачи ҳамда ишлаб чиқарувчининг ахборот алмашиш имконияти ҳам мавжуд. Дастурдаги маълумотлар сўғориш тизимида сув ресурсларини бошқариш йўналишлари, сувни тежаб ишлатиш тўғрисидаги ишончли манбалар асосида электрон матн, чизма, фотосурат, видеоролик кўринишида жойлаштирилган.

Хуллас, «Томчи» ҳаётда азиз бўлган томчи ҳақидаги, айна шу заррадан оқилона фойдаланиш йўллари тўғрисидаги бус-бутун қўлланмадир.

Рустам ИБРОХИМОВ,  
«ISHONCH»

Бу йил гуруч мўл бўлади(ми?)



Оролбўйида етиштириладиган «Нукус-2», «Аланга», «Лазер» навли гуручлар харидоригрив ва бозорболги билан ажралиб туради. Лекин ушбу навдаги гуручларнинг баҳоси бугун анча қимматлашиб кетгани ҳам айна ҳақиқат.

Сабаб... Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида 23 минг 850 гектар ўрнига 18 минг 190 гектар ерга шולי экилди. Сув етишмаслиги туфайли режадаги 45 минг 304 тонна ўрнига 29 минг 790 тонна шולי етиштирилди. Гуруч нархининг ҳамёнболлиги йўқолди. Бугун Нукусда «Аланга» ва «Лазер» навли гуручнинг бир килограмми 10-15 минг сўмдан сотилапти. – Жорий йилда 1900 гектар ерга шולי экишни режалаштирганмиз, – дейди Шуманай тумани ҳокими ўринбосари Қўاتبек Есенбеков. – Шундан 800 гектар майдон бугундан бўшган ерлар ҳисобига тўғри келади. Насиб қилса, 8 минг 500 тоннадан кўпроқ ҳосил йиғиб олиш ниятимиз бор.

Дарҳақиқат, деҳқонларнинг шашти баланд. Муҳими, бу йил сув муаммоси йўқ. – Асосий ва ғалладан бўшган майдонларда мўл шולי ҳосилини етиштириш учун барча имкониятлар сафарбар этилмоқда, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Кишлоқ хўжалик вазирлиги бўлим бошлиғи Равил Бекниязов. – Ҳар бир гектар ердан 30-40 центнердан шולי етиштириб, давлат эҳтиёжларини таъминлаш ва бозорларимиз мўл-кўлчилигига эришиш йўлида фаолият юритмоқдамиз. Қорақалпоғистонлик шолиторлар жорий йилда 35 минг гектар майдонга уруғ сепаиб, ялли ҳосилдорлиқни 130 минг тоннага етказиш учун меҳнат қилмоқда. Бу бозорларимиз яна арзон ва сифатли кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлиб, дастурхонларимиз тўкинлашишига ҳисса қўшади.

Ортиқбой МАМУТОВ,  
«ISHONCH»

ЧЕКЛОВЛАР:

иқтисодиётга фойдами ёки зарар? мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида ҳолис фикр

Бугун иқтисодимизни тўлдириб юрган (ҳеч мулоҳазасиз) ўзимизнинг автоуловларини кўриб, дилмиз лйрайди. Фахр билан айтмас: ўзимизники! Аммо танганинг иккинчи томонида дилга ғашлик соладиган бир жиҳат бор: «Ўзимизники» ўзимизга қимматга тушмаптимми?

Келинг, шу ҳақда фикрлашамиз. Гани тарихдан бошласак. 1996 йил Асақда «ЎзДЭУ» заводи ишга тушганида барчамиз «Энди хоридан «туя баҳосида

от олиб келмаймиз», ўзимизнинг машиналаримизни минамиз», дея хурсанд бўлганимиз бор гап. Ушанда завод ишлаб чиқарган «Нексия» автомобилнинг

нархи 7000 АҚШ доллари атрофида эди. Кейинчалик давлат заводни қўлаб-қувватлаш мақсадида хориджа ишлаб чиқаришга асосиёналарга тўланадиган импорт божхона

тўловларини кескин кўтариб юборди. Яъни, нархи 20000 АҚШ доллари бўлган автомобиль учун камда 20000 АҚШ долларига тенг божхона тўловлари белгиланди. Шундай қилиб, энди қим-

мат бўлса ҳам фақат «Ўзимизники»га кунимиз қолди, «борига шукур» қилиб, маҳаллий монополист заводнинг автомобилларини харид қилвердик.



Газетанинг шу йил 11 ва 25 апрель кунги сонларида чоп этилган ҳуқуқшунос Абдурахмон Ҳамидовнинг «Чекловлар: иқтисодиётга фойдами ёки зарар? Мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида ҳолис фикр» сарлавҳали мақолаларига Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти куйидагича фикр ва мулоҳазалар билдирди:

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти томонидан шу йил 27 апрелда Молия вазирлигига йўлланган 95-сонли хат ўрганиб чиқилиб, ижро учун қабул қилинди.

Мазкур хат ижроси доирасида газетанинг шу йил 11 ва 25 апрель кунги сонларида чоп этилган ҳуқуқшунос Абдурахмон Ҳамидовнинг мақолалари лойиҳа ҳамда бўлимлар мутахассислари иштирокида муҳокама қилиниб, бир қатор фикр ва мулоҳазалар билдирилди (Улар куйида илова қилинмоқда).

Шу билан бирга савдо фаолияти эркинлаштирилганда

иқтисодиётда кутиладиган эффектларни миқдорий ўлчаш мақсадида Ҳисобланадиган умумий мувозанат модели (CGE – Computable General Equilibrium)ни ривожлантириш мақсад қилиб олинди.

Мақолалар кенг қамровли бўлгани боис Иқтисодиёт ва саноат, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари мутахассислари иштирокида муҳокама қилинишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Директор

Ж.Негматов

\*\*\*

Кенг муҳокамага муҳтож мавзу

Мазкур мақола икки қисмдан иборат бўлиб, биринчисида банк, савдо ва макро-фискал соҳаларга оид муаммолар ёритилган, иккинчисида эса ушбу муаммоларга ечим таклиф этилган. Келтирилган аргументлар етарли даражада кучли бўлса-да, бир қатор фикр ва мулоҳазаларни билдирамиз.

1. Мақолада «...банклардан кредит олиш, айниқса, чет эл валютасида кредит олиш жиддий муаммага айланган, кредитлардан фойдаланиш фойзалари кўтарилиб кетгани...» чеклов сифатида талқин этилган. Бу кузатилаётган натижа бўлса-да, унинг сабабларини тушунтириш мумкин. Банклар вазифасидан келиб чиқиб, аҳоли жамғармаларини бизнесга йўналтиради. Аҳолининг банкларга ишончи суст бўлгани ажабланарли эмас. Чунки ўтган даврда бунга асослар кўп бўлган.

2. Мақолада «Бу ҳолат маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятига ҳам салбий таъсир этди. Чунки импорт қилинган хомашё ва бутловчи қисмлар учун асосий кўтариб юборилган божхона тўловларини тўлаш оқибатида улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар таннархи ошиб кетаверди», дейилган. Чет эл валютасини эркин қўлга киритиш имконияти бўлмагани маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятига салбий таъсир кўрсатган омил ҳисобланади. Бироқ хомашё ва бутловчи қисмлар импортлари учун божхона тўловлари, умуман олганда, тарихан паст даражада бўлган.

3. Мақоладан кўчирма: «... чет эл инвесторларини жалб қилиш учун ҳар қандай давлатда, энг аввало, яхши даромад олиш имкониятлари ва мулк дахлсизлиги кафолатланган жозибадор инвестицион муҳит яратилиши лозим». Албатта, халқро ҳамжамият ўтказган сўровларда ҳам инвестор турига қараб, яхши даромад олиш имкониятини биринчи омил сифатида тан олиши ўзи исботини топган. Шу ўринда бу билан бирга ҳуқуқ устуворлиги, яъни суд тизимининг адолатчилиги ҳам эътироф этилади. Мулкчилик энди шаклланаётган Ўзбекистон шароитида мулк дахлсизлигини таъминлаш масаласи келажак муҳокамаси ҳисобланади.

4. Муаллиф солиқ ва бож тақомиллаштирилганда давлат бюджети тушумлари ҳамда аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳақида фикр юритиб, ишлаб чиқарувчилар категориясини эътибордан четда қолдирмоқда. Албатта, ҳуқуқнинг макроекотисодий вазифаси аҳоли даромадларини максималлаштириш (бюджет тушумини максималлаштириш эмас) ҳисобланса-да, саноат сиёсати маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ҳам кўмак беришни долзарб масала сифатида кун тартибига чиқаради. Бундай сиёсат юритган давлатлар ичида Жанубий Корея каби иқтисодиёти муваффақиятга эришган мамлакатлар ҳам мавжуд.

5. Мақоладан иқтибос: «Импорт қилинаётган товарларнинг божхона тўловлари, ҳеч бўлмаганда, кўшни давлатларники даражасига туширилиши куйидаги натижаларга олиб келади:

– ички бозорда халқ истеъмоли молларининг нархи кескин тушади. Бу ҳолат эса фуқароларимизнинг тўлов қобилияти ошишига олиб келади. Демак, улар шу миқдордаги иш ҳақларига ўз эҳтиёжларини кўпроқ қондира олади». Иқтисодиёт назариясига асосан импорт

қилинаётган товарларга нисбатан божхона тўловларининг туширилиши натижасида ички бозорда халқ истеъмоли молларининг нархини кескин тушиши бир қатор омилларга, энг асосийси, ички бозордаги рақобат муҳитига боғлиқ, Ўзбекистон шароитида халқ истеъмоли моллари бозорида аксарият ҳолларда рақобат муҳити суст бўлгани боис муаллиф кутаётган эффектлар кузатилмаслиги мумкин (камида қисқа муддатда). Мисол учун айтсак, 2017 йилда импорт божлари паст даражада бўлганда аҳоли Қозғистондан импорт қила бошлади. Шу билан бирга Ўзбекистондаги умумий нархлар тушиши кузатилгани йўқ.

6. Мақоладан кўчирма: «...корхоналар легал даромадларининг ошиши, улар томонидан ишчи-ходимларга тўланадиган маошларнинг ҳам оширилишига сабаб бўлади (бу, ўз навбатида, фуқаролар тўлов қобилиятининг янада кўтарилишига олиб келади). Бундан ташқари, даромадлари ошиши ҳисобига корхоналар кенгайиб, янги иш ўринлари яратилади».

Иқтисодиёт реал секторидagi корхоналар даромадларининг ошиши ишчи-ходимларга тўланадиган маошларнинг ҳам оширилишига эмас, балки фақатгина корхона мулкдорлари даромадларининг кўпайишига ҳам олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатда эса аҳолининг тўлов қобилияти ўзгаришсиз қолади.

7. Мақоладан иқтибос: «Гап шу ҳақда кетар экан, маийш техника бозорига ҳам тўхталмасак бўлмайди. Сўз яна бир монополист корхона — «Artel» бренди остида маийш техника воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳақида кетаятганини, албатта, англагандирсиз. Ушбу корхоналар Хитой ва Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган маийш техника воситаларининг бутловчи қисмларини импорт қилиб, Ўзбекистонда уларни йиғиб, ички бозорда тайёр маҳсулот сифатида сотиш билан шуғулланади.

Ички бозорда «Artel» маҳсулотларининг нархи Хитойдан импорт қилинган худди шу турдаги маҳсулотларнинг нархинан анча катта фарқ қилмайди. Айрим ҳолларда, ҳаттоки, қимматроқ ҳам. Бундан кўринадики, ушбу корхо-

налар ҳам Ўзбекистон аҳолисини арзон маийш техника воситалари билан тўлиқ таъминлай олмапти.»

8. «Республикамиз аҳолисини арзон маийш техника воситалари билан тўлиқ таъминлаш учун электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни ташкил этиш, ички бозорда рақобат муҳитини ривожлантириш керак. Бу борада янги корхоналарни ташкил этиш учун тадбиркорлар ва инвесторларни давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги бунга мисол бўла олади».

9. «Эътиборли томони шундаки, мазкур корхоналар 2022 йилга қадар маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган материаллар ва бутловчи қисмларни импорт қилишда божхона тўловларидан (0,2 фоиз божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари), шунингдек, фойда солиғи, мулк солиғи ва Республика йўл фондига ажратмаларни тўлашдан ҳам озод этилган.

Шундай экан, унда нима сабабдан ички бозорда «Artel» маҳсулотлари Хитойдан импорт қилинган шу турдаги маҳсулотлардан арзон эмас? «Artel» маҳсулотлари Қозғистонда Ўзбекистон ички бозоридagi нархлардан камиди 30-40 фоиз арзон сотилаётганини қандай тушуниш мумкин? Хитойдан импорт қилинган маийш техника воситаларининг Қозғистон бозорларидаги нархлари ҳам Ўзбекистон ички бозоридagi шу турдаги маҳсулотлар нархларидан 30-40 фоиз арзон. Негар?»

Ушбу муаммони вазиятга адолатли баҳо бериш учун ушбу турдаги маҳсулотлар сотиладиган бозорларнинг қай даражада монополлашганини таҳлил қилиш лозим. Агар мавжуд бозор эркин рақобатлашган бўлса, унда «Artel» бренди остида маийш техника воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга давлат томонидан тақдим этилган имтиёзлар келажакда ушбу соҳани ривожлантириш ва келгусида ташқи бозорда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида зарурий чоралар ҳисобланади. «Artel» маҳсулотлари нархларининг Хитойдан импорт қилинган маийш техника воситаларидан 30-40 фоиз қиммат бўлиши ишлаб чиқариш технологияси тўлиқ ўзлаштирилмагани ва ушбу соҳанинг ҳали бир мунча янгилиги билан изоҳланиши мумкин.

Агар ўтказилган таҳлиллар натижасида бозорнинг монополлашгани аниқланса, ундан давлат томонидан тақдим этилган имтиёзларнинг самарадорлигини текшириш зарур. Маълумки, ички бозорни тўлиқ назоратига олган монопол корхона мажбур соҳани ривожлантиришга эмас, балки қисқа фурсатда ўз фойдасини максималлаштиришга ҳаракат қилади. Бу эса, ўз навбатида, нархларнинг сунъий равишда ўсиши, маҳсулот сифатининг кескин тушишида намоеён бўлади.

Қайд этилган вазият ва муаллифнинг ўринли эътирозидан келиб чиқиб, мавжуд бозорнинг қай даражада монополлашганини аниқлаш зарур. Чунки эркин рақобатлашган бозорда давлат томонидан берилган имтиёзлар ушбу соҳанинг келажакда ривож учун хизмат қилади. Нархларнинг бундай ҳолати эса вақтинчалик ҳисобланади. Аксинча бўлса, ушбу соҳанинг келажакдаги инқирозига сабаб бўлади, чунки бундай вазиятда тақдим этилган имтиёзлардан асосан монополистлар фойдаланади. Бундай ҳолатда Монополияга қарши курашиш қўмитаси вазиятни ўрганиб чиқиши ва нархлардан асосиз равишда оширилган қисмини монопол корхоналардан олиб қўйиш чорасини кўриш талаб этилади.



Андижон вилояти

**Ўтган йили вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси фаоллари билан Андижонда қатор тармоқларга эга бўлган йирик тўқимачилик мажмуасининг Булоқбоши туманидаги корхонасига бардик. Мақсад – бу ерда меҳнат қилаётган ходимларнинг иш шароитлари билан танишиш, шу билан бирга касаба уюшмаси фаолияти ҳақида тушунча бериш, жамоат ташкилотига аъзоликнинг афзалликлари хусусида тарғибот ўтказиш эди.**

Канча уринмайлик, корхона муассасалари тикувчилар билан бор-йўғи 15 дақиқалик мулоқот ўтказишга илло-билло йўл бермади: «Ходимларни ишдан қолдирасизлар!» Кейинчалик уларни ўзларига маъқул пайтда йиғиб бериш ҳақидаги барча сўровлар жавобсиз қолди.

Нега шундай? Нима учун хусусий сектордаги аксарият иш берувчилар ходимлари учун касаба уюшмалари ва меҳнат муносабатлари хусусида тарғибот қилувчиларга баъзан юмшоқ тарзда, баъзан тиш-тирноғи билан қарши чиқишади? Жавоб аниқ: ҳақ-ҳуқуқини яхши билган ходим билан ишлаш қийин, деган тушунча бор. Ваҳоланки, меҳнат қонунчилигига қатъий риоя этиладиган, иш берувчи ҳамда ходимлар ўртасида жамоа шартномаси имзоланган ташкилотда меҳнатқашлар қатор кафолат ва имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Энг аввало:

- иш ва дам олиш вақтлари аниқ белгиланади;
  - йилда бир бор меҳнат таътили берилади;
  - саломатлигини мустаҳкамлаши учун имконият яратилади;
  - бошқа фойдали жиҳатлар кафолатланади.
- Жамоа шартномасида ёшлар ва аёллар учун кўзда тутилган алоҳида имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи

аниқ-равшан белгилаб қўйилади. Ходимнинг бажараётган вазифаси тақозо этгани сабабли меҳнат хавфсизлиги ҳамда касб касалликларининг олдини олиш чора-тадбирлари амалда бўлади. Табиийки, бу борада иш берувчи ҳам

насида меҳнат қилишади. Уларга иш берувчи томонидан алоҳида транспорт ажратилган. Тонгда, ҳали хўроз қичқирмасданок гузарда тўпланишади: «Иш вақтимиз соат 7:00 да бошланади, кеч қолсак, бўлмайди!» деган

билан банд. Касаба уюшмаларининг соҳага дахлдор тармоғига эса мана шу кўрсаткичнинг нари борса, тўртдан бир қисми қамраб олинган. Тўғрироғи, аъзоликка қабул қилинган транспорт уюшмаларининг аксарияти ходимлар сонини қисқартириб кўрсатишган. Қолганлар-чи?

Қолганлар, гарчи ишлаётган бўлса-да, статистика маълумотларида расман ишсизлар рўйхатини банд қилиб туришибди. Уларни касаба уюш-

диз отган официантлик хизмати соҳасида ҳам муаммолар тикилиб ётибди. Икки йил аввал вилоят давлат солиқ бошқармаси мутахассислари ўтказган таҳлиллар натижасида ҳудудда 1 минг 200 нафардан зиёд официантлар норасмий ишлаётгани маълум бўлган эди. Овқатланиш корхоналари сони тобора кўпайгани сайин, ишлаётган «ишсизлар» кўрсаткичи янада ошаётгани ҳам табиий ҳол.

Демак, ишга қабул қилиш ҳақида

остидагиларни хоҳлаган вақтида ишдан четлатиши мумкин.

Энди яна бир масала бор. Бир кунда юзлаб одамларга парвона официантлар билан нозиктаб хўрандалар ўртасидаги ҳисоб-китоб ҳар доим «силлиқ» кечавермайди. Касаба доир асабузарликлар ҳамisha юз кўрсатиб туради. Демак, меҳнат шартномалари тузиш, касаба уюшмасига жалб этиш орқали уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, шунинг баробарида, саломатлигини мустаҳкамлаш муҳимлиги хусусида жиддий ўйлаб кўриш зарур.

## Иш берувчи ҳақ-ҳуқуқини таниган ходимдан чўчийдими?

қатор юмушларни зиммасига олишга мажбур. Энг асосийси, меҳнат муносабатлари бир меъёрга бораётган корхонада иш берувчи асосис сабаб билан, турли ваз-корсонларни қўллаб, ходимни ишдан мосуво эта олмайдди.

Қўл остида ўнлаб, ҳатто юзлаб ишчилар меҳнат қилаётган аксар хусусий корхона эгаларига юқоридаги жиҳатлар, албатта, хуш келармайди. Сабаби, қанча иш ҳақи берилса-да, кунлик иш вақти 10-12 соатга қадар чўзилса-да, ходим чорасизликдан рози бўлиб тургач, раҳбарга ўзининг таъбири билан айтганда, «касаба уюшмаси» деган «дахмаза»нинг нима кераги бор?

Маҳалламиздаги кўплаб хотин-қизлар шаҳардаги тикувчилик корхо-

галарни ҳар кун ишитами.

Иш вақти қачон тугайди, дерсиз? Камдан-кам ҳолатда соат 17:00 гача, асосан, 18:00 га қадар давом этади. Демак, тушлик вақтига бир соат ажратилса, бир кунда ўртача 10 соат ишлашмоқда. Меҳнат таътили ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, айни жараён қишин-ёзин – 12 ой давом этади.

Меҳнат қонунчилиги қўпол равишда бузилаётган, ходимлари ижтимоий ҳимоя кафолатларидан мосуво бўлган йўналишлардан бири, шубҳасиз, транспорт соҳасидир. Масалан, вилоятда аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчиларга «Автотранс» агентлиги ҳудудий бошқармаси томонидан 15 мингдан зиёд лицензия варақалари берилган. Демак, шунча одам меҳнат

маларига жалб этиб, ижтимоий ҳимоясини кафолатлашни кўятуриб, ҳатто меҳнат ҳуқуқларини таъминлашни иложи йўқ. Сабаби, юқорида қайд қилинганидек, тизимда фаолият кўрсатаётган 10 минг нафардан зиёд ходимлар билан иш берувчилар ўртасида меҳнат қонунчилигига тааллуқли ҳужжатлар имзоланмаган. Ҳуқуқи бузилса, дардини кимга айтади? Кўча-қўйда, ўзаро мулоқотларда «биз таътил олмаимиз, бизда иш вақтининг чегараси йўқ, бюллетен қозғини ҳам писанд қилишмайди...» – мана шундай гапларни эшитавериб, кўнчилик ҳам бўлди. «Тўхта-чи! Нега шундай бўляпти?» деб бонг урадиган бирорта мард йўқ.

Иш берувчилар томонидан «конверт» усулида ҳақ тўлиниши чуқур ил-


ариза йўқ, буйруқ чиқмаган, меҳнат шартномаси тузиш хаёлда ҳам йўқ, жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси юритилмаслиги маълум, қўйинги, иш ҳақи тўлови ҳужжатига имзо чекиб маош олишдек оддий қанда «асдан чиққан».

Буларнинг бари бир кун бориб қимматга тушишини на раҳбар, на ходим ҳозирча ўйлагани йўқ. Эртага пенсияга чиқаман, дейдиганлар оворагарчилик эшикларини очиб бўлишган.

Шундай бир вазиятда меҳнатга оид ҳуқуқларнинг ҳимояси ҳақида гап бўлиши мумкинми? Умумий овқатланиш корхоналарида ходимлар кўнимсизлиги авж олаётганининг сабабини шу ердан излаш керак. Иш берувчи қўл

*Хусусий корхоналарда, умумий овқатланиш шохбчасида «ҳилвираб» турган муаммоларни ҳаминқадар таҳлил қилган бўлдиқ. Бошқа соҳаларда ҳам уларга дуч келиш мумкин. Айтмайлик, қурилиш тармоғида касаба уюшмалари фаолияти қандай йўлга қўйилган, деган саволга бир лаҳзада жавоб топши қийин. Бу жабҳада жилла курса меҳнат муҳофазасини қатъий йўлга қўйиш керак, деган тамойилни илгартиришнинг ўзи жуда катта аҳамият касб этади (Бошича ғишт тушиб кетган қурувчи ҳақидаги латифа ҳам бежиз тўқилмади чқар?). Мавзу доирасидан бироз чиқиб кетган бўлса, маъзур тунинг. Чунки касаба уюшмаси ҳамisha, ҳар жойда керак.*

Нурилло НУЪМОНОВ,  
«ISHONCH»



Тошкент шаҳри

### Меҳнат муҳофазаси



## Муҳим масалалар ечимига йўл

**Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, иш берувчилар ҳамда кенг жамоатчилиқнинг эътиборини меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга риоя этилиши ўстидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини янада ошириш касаба уюшмалари фаолиятида алоҳида ўрин тутади.**

«Меҳнат муҳофазаси ойлиги» доирасида «Аффа инжиниринг энд мэнэжмент» масъулияти чекланган жамияти тизимидаги «Паллада инвестмент» корхонасида Сергели туманида фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, касаба уюшма кўмитаси раислари, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари иштирокида ўтказилган семинар ушбу мақсадга хизмат қилди.


Унда «Pallada investment» масъулияти чекланган жамияти бош технологи Жасур Тожибоев ходимларга яратилган меҳнат шароитлари, меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишида амалга оширилаётган ишлар, Сергели тумани ғазначилик бўлими бошлиғи Улуғбек Гулбоев, Тошкент шаҳар молия бош бошқармаси таълим муассасаларини молиявий таъминлаш бўлими бошлиғи Асрор Маҳмудов меҳнат муҳофазаси йўналишига давлат харажатларини амалга ошириш тартиби,

«Max General Group» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Соибжон Низомов ходимларни бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий сўғурта қилиш ҳақида сўз юритишди.

Ойлик доирасида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Сергели тумани кенгаши ташаббуси ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг кўмаги билан туманда фаолият юритаётган мактаблардаги меҳнат муҳофазаси хизмати ходимлари махсус ўқув курсларида ўқитилиб, якунида уларга сертификатлар топширилди.

Тадбир асосида семинар иштирокчилари «Паллада инвестмент» корхонасида ходимларга яратилган меҳнат шароитлари билан танишди-лар.

**Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими**



Сирдарё вилояти

**Касаба уюшмалари тизимида ўтказилиши анъанага айланган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқини қутилганидек илғор иш тажрибаларини оммалаштиришга ўзига хос тўртки берди.**

## Муносиблар сараланди

Фолиблар икки йўналишда – юз нафаргача ва ундан кўп аъзоларни бирлаштирган касаба уюшма ташкилотлари орасида аниқланди. Ҳужжатларни баҳолаш якунларига кўра, биринчи йўналишда Пахтаобод қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳўнар коллежи, Оқолтин туманидаги 3-умумтаълим мактаби, «Ўзбек-инвест» сўғурта компанияси вилоят филиали, вилоят ОИТСа қарши курашиш маркази ҳамда «Сирдарё автотеххизмат» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшма ташкилотлари юқори натижаларни қайд этди.

Аъзолар сони 100 нафардан ортиқ бўлган «Оқолтин дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти, Гулистон давлат университети, вилоят солиқ бошқармаси, Оқолтин тумани тиббиёт бирлашмаси, Сирдарё тумани ободонлаштириш бошқармаси ҳамда «Сирдарё йўллардан мунтазам фойдаланиш» унитар корхонаси касаба уюшма кўмиталари ҳам шу тоифадаги ташкилотлар орасида фойдаланмади.

«Ўзбекинвест» сўғурта компанияси вилоят филиалида 30 нафар яқин ходим меҳнат қилади. Доимий равишда ўтказилаётган спорт, маданий ва маърифий тадбирлардан ҳеч ким четда қолма-

япти. Касабақўм раиси Шаҳноза Убайдуллаева аъзолар манфаатини ҳимоялашга ҳар томонлама эътибор қаратмоқда. Жорий йилда Самарқанд шаҳри ва Зомин дам олиш масканларида жамоавий ҳордиқ чиқарилди. Филиал ходимлари тармоқ даражасидаги спорт спартакиадаларининг фаол иштирокчиси.


«Оқолтин дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятида ҳам ишлар намунали йўлга қўйилган. Жорий йилда 25 нафар ходимнинг

### Энг намунали бошланғич ташкилот

Самарқанд шаҳрига, 50 нафар аъзонинг Тошкент вилоятидаги Зангиота зиёратгоҳига саёҳати уюштирилди. Турли концертларга чипталар олиб берилди. 10 нафар ходимнинг фарзандлари учун ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига йўланмалар харид қилинди. Айтиш мумкинки, 120 нафар ходим ишловчи ташкилотда меҳнат қонунчилигига қатъий амал қилгани. Айнан шунга кўра меҳнат муҳофазаси бўйича ўтказилган кўрик-танловнинг вилоят босқинида жамоа 2-ўринга муносиб кўрилди.

Бошланғич ташкилотларда танлов низоми, унинг талаблари ҳақида тушунча ва кўникмалар юқори. Хаттоки, танловга ташкилот иш берувчиларининг ҳам қизиқиши ортмоқда, – дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси Ботир Усмонов.

Озода МАМАДАЛИЕВА,  
«ISHONCH»



Хоразм вилояти

**Корхона ва ташкилотларда ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш, бехатар иш шароитини яратиш, хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилиш, энергетика тизимида жароҳатланиш даражасини пасайтириш ва ижро интизоми ўта муҳим ва долзарб вазифалардандир.**

Жорий йилнинг 1 июнидан 1 июлигача энергетика соҳасидаги корхоналарда ўтказилган «Хавфсизлик техникаси кўрик ойлиги»да ҳам ушбу масалаларга

## Малака ва кўникмалар синови

жиддий эътибор қаратилди. Таъкидлаш жоизки, ойлик давомида «Хоразм ҳудудий электр тармоқлари» АЖ тасарруфидаги корхоналарда ишчи-ходимлар ўртасида меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, техника эксплуатацияси, ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрлар талаби бўйича учрашувлар, тушунтириш ишлари уюштирилди. Бундан ташқари, ўқув майдонлари ва техник ўқиш хоналари талаблар асосида жиҳозланиб, ходимларнинг касб маҳоратини ошириш борасида тегишли вазифалар белги-ланди.

Ойлик доирасида Урганч тумани электр таъминоти корхонасининг ўқув-машғулот майдонида вилоятнинг шахар ва туманлари электр таъминоти корхоналарининг таъмирлаш бригадалари ўртасида ташкил этилган «Хавфсизлик техникаси» мусобақаси ходимларнинг бу борадаги малака ва кўникмаларини синовдан ўтказиш имконини берди, – дейди «Хоразм ҳудудий электр тармоқлари» АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси Н.Рўзметов. – Биринчи ёрдам кўрсатиш, иш жойини тайёрлаш, автотранспорт ҳолати ва хавфсизлик техникаси қоидалари

сингари беллашувлар барчада катта қизиқиш уйғотди. Якуний натижаларга кўра, юқори кўрсаткичга эришган Питнак, Урганч ва Янгиариқ ЭРТК жамоалари фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шак-шубҳа йўқки, энергетика тизимида уюштирилган «Хавфсизлик техникаси кўрик ойлиги» эксплуатация ишларини янада яхшилаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимларнинг ўз касбига масъулият билани ёндашиши ва бу борадаги билимини оширишга хизмат қилади.

Ойбарин УМАРОВА

### Хавфсизлик техникаси кўрик ойлиги

Жиззах вилояти

Кўз очаётган булоқлар

Эхтиром

# Янги оҳанглар жозибаси

Зомин туманидаги сўлим ўриклисой оромгоҳида мамлакатимиз ёш ижодкорларининг семинари нихоясига етди.

Ўриклисой тошларига минг йиллардан буён урилиб оқаётган сувларнинг шарқираши ва тоғ ҳавоси эпикни қалбларга ҳузур бахш этади. Аллақачонлардан булбулларнинг хониши эшитилди. Беихтиёр қияликлар бағридаги абадийдан дарак берувчи арчалар эътиборингизни тортади, уларнинг ёшликка эш яшиллик кўнгилларни сокинлик сўқмоқларига етаклайди. Куёш бу гўзалликка халал беришни ис-тамагандек тоғлар панасида. Фақат нурларгина осмон ҳукми-дори тез орада ўз жойини эгаллашдан мурда келтиради.

адабиётшунослари, ёзувчи, шоир ва журналистларидан ўрганиш имконияти яратилди. Ўйналиш ва мавзудан келиб чиқиб, турли жанрлардаги ижод намуналари ўқилди. Соҳаларда эришилаётган натижалар, кузатилаётган камчиликлар, эътибордан дарак берувчи масалалар, қисқаси, сабаблар, оқибатлар ижод нуктаи назаридан таҳлил этилди. Фикр-мулоҳаза билдириш, тафаккурда уйғонган ғояларни баён этиш, мавжудларини такомиллаштириш, йўқларини юзага келтириш бўйича таклифлар билдириш мумкин бўлди давраларда.



чиларнинг муштарак мақсадига айланди десак, адашмаймиз. Бу жараёнда ёшлар ўз ишларига муносиб баҳо ва рағбат – руҳий қувват олди. Шундан сўнг семинар иштирокчиларининг табиат кўйига, хусусан, Зомин шаршарасига саёҳати уюштирилди.

Куёш уфққа бош кўйганда навбат яна мушоирага етди. Бу сафар ижодий намоишнинг устозлар бошлаб бердилар. Теран ва кескир, маъно ва моҳиятдан илдиз олган сатрлар диллардан тилларга кўчганда ҳиссийлар мавж-лигини таъминлаш, болалар адабиёти йўналишидаги асарлар салмоғини ошириш, ижодий ишларда ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш, драматурглар са-фани кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Улуғ шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларини чет тилларга ўгириш, маз-кур соҳада мутахассислар тай-фис жиҳатларидан хабардор этилди. Адабий танқид, бадиий таржима, болалар адабиёти, ба-диий публицистика йўналишларидан ҳам юртимизнинг таниқли

Бадиий публицистика йўналишида жанрлар ранг-баранглигини таъминлаш, болалар адабиёти йўналишидаги асарлар салмоғини ошириш, ижодий ишларда ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш, драматурглар са-фани кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Улуғ шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларини чет тилларга ўгириш, маз-кур соҳада мутахассислар тай-фис жиҳатларидан хабардор этилди. Адабий танқид, бадиий таржима, болалар адабиёти, ба-диий публицистика йўналишларидан ҳам юртимизнинг таниқли



Ана шундай табиатнинг сеҳрли кучида ёш ижодкорларнинг адабий беллашуви, сабоғи бошланди. Назм ихлос-мандлари Азим Суён, Абдусайд Кўчимов, Хосият Рустамова, Сирожиддин Рауф каби шоирлардан шеърят сирларини ўзлаштириб, ижодларига баҳо олдилар. Эркин Аъзам, Луқмон Бўрихон, Собир Ўнар каби ёзувчилар ёшларни насрнинг на-фис жиҳатларидан хабардор этилди. Адабий танқид, бадиий таржима, болалар адабиёти, ба-диий публицистика йўналишларидан ҳам юртимизнинг таниқли

ижодкорларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин кўриниши, Президентимизнинг беш муҳим ташаббусини ҳаётга татбиқ этишнинг яна бир амалдаги ифодаси сифатида катта тайёргарлик ва ташкилотчилик билан ўтказилди. Айнан шунга кўра, якуний йиғинда устоз ижодкорлар, иштирокчилар томонидан анжуман фақат ёш ижодкорларни етиштиришдагина эмас, адабиётимиз тарраққиётида муҳим ўрин тутиши эътироф этилди.

Ўзбекистон ёзувчилар уюш-маси раиси Сирожиддин Сай-йид ушбу анжумани юксак да-ражада ташкил этишда яқиндан ёрдам берган Жиззах вилояти ва Зомин тумани ҳокимлигига са-мимий миннатдорлик билдирди. Семинар сўнггида барча шаръба йиғилишлари, маҳорат дарслари иштирокчиларига сер-тификатлар, Ўзбекистон ёзувчи-лар уюшмаси, Жиззах вилояти ҳокимлиги, ҳомий ташкилотлар, уюшма «Дўстлар клуби»нинг эсдалик совғалари топширилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»

Кўпжа журналистларнинг севимли устози Сайди Умиров нафақат моҳир педа-гог ва публицист, балки синчков адабиётшунос ҳамдир. Бунининг «Чин-гиз Айтматов – публицист ва мунаққид» китоби ҳам яққол тасдиқлайди. Ушбу китобда муаллиф Чингиз Айтматов даҳосини ўзига хос тарзда тадқиқ этган. Ки-тобни ўқир экан, ўқувчи буюк мутафаккир тафаккурининг ёғдулари билан нур-ланиб, билим ва дунёқараши кенгайиб боради.

# Тафаккур ёғдулари

Китобнинг бош мақоласида «Айтматов пуб-лицистикаси сокин оқадиған чуқур дарё, ундаги эҳтирос зоҳирий эмас, ботиний, матн бағрида, далил, детал, мисоллар ичида бў-либ, ўқиган, таъсирланган ўқувчи, томошабин қалбига ўтади, жунбураг келтиради, – деб ёзади Сайди Умиров. – Журналистика ва публицистика ўзаро чамбарчас боғлиқ, эгизак, эт-тирноқ соҳа-лар бўлса-да, муштарак ва фарқли жиҳатлари борлигини унутмаслик лозим. Журналистика қамров доираси кенг соҳа, кўпроқ ёйиқ (гори-зонтал) ўлчов, сон билан ўлчанса, публицистика асосан тик (вертикал) ўлчов, сифат билан ўлча-нади. Бу кўш соҳани паст-баланд тизмалардан иборат тоғ деб тасаввур қилсак, публицистика унинг баланд чўққиларидан, чўққига эса бир-дан чиқиб, забт этиш қўйин, унга журналистика пиллаполярлардан аста-секин, бирин-кетин чиқиб, малака, тажриба, маҳорат ортириб эти-лади. Чингиз Айтматов публицистикаси бадиий асарлари сингари мафтункор ва жозибодор, қамровли ва хузурбахш, мароқли ва пурҳикмат, далил ва далилли бир сўз-жумла билан айтганда, маҳорат ва жасорат ҳосиласи».



либ, «Ашаддий атеизм, оммавий террор мамла-кати худонинг қаҳр-ғазабига учрамадим, деган хаёлга ҳам борасан баъзан», дея фикр билди-рганда, беҳитиёр ўтган йили БМТ Бош ассамблея-си ялпи мажлиси томонидан муҳим ҳужжат – Президентимиз илгари сурган «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси қабул қи-лингани ёдга келади.

«Айтматов ардоқлаган, Айтматовни ардоқла-ган юрт» бобида мақоласида «Правда» газета-сининг 1988 йил 13 феврал сонидега босилган «Қайта қуриш, ошкоралик – омонлик дарахти» мақоласи алоҳида аҳамият, салмоқ касб этади, – деб ёзади Сайди Умиров, – эртасига Ўзбекистон газеталарида кўчириб босилган, таржима қи-либ берилган бу машҳур мақола, аввало, замо-навий онг уфқи, сайёравий тафаккур юксаклиги-дан туриб ёзилгани, иккинчидан, энг муҳими, ўз-бек юрти, унинг меҳнатсевар, олийжаноб халқи, қадимий, бой маданияти ҳақида илиқ, самимий, даллалдор сўзлар айтилганлиги, тухмат, мало-матта қолган миллатимиз шаънига ижобий фикр билдиришга ботинолмай, йўлини тополмай, ҳай-рон, лол турган бир пайтда биринчи бўлиб юрак ютиб айтилгани билан алоҳида аҳамиятли, қим-матлидир. Шу биргина мақолаи учун ҳам адиб шаънига кўп миннатдорчилик билдирилди. Та-ниқли олим, профессор Ғайбулла Саломов «Мен сув ичган дарёлар» китобида ёзганидек, «Ду-неда ёзувчи кўп. Зўр, иқтидорли, инсон қалбини ларзага солувчи соҳиби қаламлар ҳам оз эмас. Аммо улар орасида Чингиз Айтматовчилик оқ-батлисини, фақат ёзувчи сифатида эмас, балки халқимизнинг дўсти, қадрдони сифатида бун-дай одамхунни топиш қийин. Бутун мар-казий матбуот зўр бериб «ўзбеклар иши» ҳақида оғиз кўпиртириб ёзиб турганда у «Правда» рўз-номасида қайғумизга қайғудош, елкамизга ел-кадош, бағримизга бағрдош бўлиб, жумҳурия-тимиз учун, унинг меҳнаткаш одамлари ҳақида бор ҳақиқатини айтишга журъат этди. Юз йил-лар ўтар, ўзбек халқи Чингиз Айтматовнинг бун-дай зарур, таскин ва ҳамдардлик билан айтил-ган ҳалим сўзларини унутолмайди. Дориламон кунларда нима кўп, ҳар хил дўст, оға, қариндош, биродар кўп. Бироқ айтилди-ку, «мол дўстинг бошқа, жон дўстинг бошқа» деб... Чингиз Айт-матов ўзбек халқининг жон дўсти».

Шу тарзда Чингиз Айтматовнинг очерк ва эс-селари, мақола ва хатлари, сўхбат ва нутқлари, адабий-танқидий қарашлари қамровининг кен-глиги, маъносининг теранлиги, оҳори тўқилмаган далил ва мисоллар, соник ва эҳтиросли, чўнг ва чўғдор фикрлар, қутилмаган қиёслар, санъатко-рона мушоҳада, фалсафий муҳокама, публици-стик мулоҳазаларга бойлиги, манتيқий далил-лангани ҳамда ишонарли, мафтункорлиги ва яна кўп фазилатлари билан ажралиб туриши ва бу фазилатлар бирданига, ғойибдан пайдо бўлиб қолмагани ҳаётий ва ижодий тажрибаси катта, билими, савияси жуда кенглиги, воқеа, жараён-ларга замонавий онг, самовий тафаккур юксак-лиги ҳамда теранлигидан қараб ҳукм чиқарувчи, баҳо берувчи асарлар экани алоҳида таъкидла-нади.

«Публицистика адиб нигоҳида» деб номлан-ган мақоласида эса шундай ёзади: «Чингиз Айт-матовнинг очерк ва публицистика хусусида ўз мулоҳазаларини баён этиб, жумладан, «Очерк адабиёти, уни «бадиий», «лирик», «драматик» янглиг ташбеҳлар билан атанг-атаманг, у ўз таби-атига кўра, барибир, ҳикоя ҳам, санъат ҳам эмас ва шундоқ бўлиши керак ҳам эмас, ақс ҳолда жанр ўз вазифасини бажара олмаган бўларди. Худди шу гапни публицистика хусусида ҳам ай-тиш мумкин. Ҳарқалай публицистика «мавсу-мий» ҳодиса».


Жамиятнинг жадал ривожланишида оммавий ахборот воситалари, сўз ва тасвир аҳли янада фаол бўлишини олдиндан илғаган Чингиз Айт-матов «Огонёк» журнали муҳбири Ф.Медведев бил-ан сўхбатда шундай таъкидлаган экан: «...рўй берган, бераётган ҳодисаларни ҳаммадан олдин илғовчи, сезувчи ва воқеаларга энг биринчи бў-либ таъсир ўтказишга интилувчи, шубҳасиз, жур-налистика, публицистикадир... Баъзан, айрим ҳолларда, айнан публицистика бадиий адабиёт-дан кўра кўпроқ, муҳимроқ аҳамият касб этиши мумкин. Ўйлайманки, ҳозир шундай давр...»

«Адиб ижтимоий фоалик зўрайган бундай даврда журналистиканинг маъсулияти кўп марта ошиши, журналист, публицистлар бир қатор ма-салаларда, сукут сақлаб туришдан воз кечолса, инсон ва унинг даврини янгича, аниқ-тиниқ ва ҳаққоний ифодалашга куч, имкон тополса, бу ҳар бир кишига... ўзини таниб, топиб олишга ёр-дам беражигани таъкидлайди» дея хулоса қи-лади С.Умиров.

«Тинчлик – мавзулар мавзуси, муаммолар муаммолари» бўлимида адиб, тинчликни сақлаш ва унга таҳдид қилаётган кучларни таҳлил қи-

## Изланиш

«Инсон характери, саломатлиги унинг қандай қон гуруҳига мансублиги билан белгиланади». Бир танишимнинг бу гапи менинг ёдимга бир воқеани солди:



# Хасталиклар қон гуруҳига боғлиқми?

Бундан 13 йил аввал оилада даст-лаб опам, сўнг укам ва синглим гепа-тит касаллигининг энгил шакли (А гу-руҳи) билан хасталанди. Улар билан бир ҳа-водан нафас олиб, овқатланиб, бир уйда яшашимга қарамай менда касалликнинг аломатлари кузатилмади. Оилавий шифо-нага чиққанмизда текширув натижа-ларидан кейин шифокор бунинг сабабини қон гуруҳи билан изоҳлаган эди... Биламизки, инсонларнинг ҳаддан зиёд салбий омилга эга бўлиши яхши эмас. Хусу-сан, бу қон гуруҳи билан боғлиқ бўлса, унга қийин масала сифатида қаралади. Россиялик мутахассисларнинг таъкид-лашича, резус-омили (Rh factor) билан ҳамма нарса аниқланади. Агар бола уни отадан мерос қилиб олса, у ҳолда резус-о-милининг хавфи юқори бўлади. Чунки сал-бий резус ҳомиладор онанинг иммуни-тетети орқали ҳали туғилмаган болага ўз таъси-рини кўрсатади. Энгил кечган ҳолатда бола гепатит касаллигига чалинса, оғир ҳолатда – ўлим ёки гўдакнинг ўлик дунёга келиши

билан якунланади. Эътиборлиси, 1-қон гу-руҳ аёлларида тухум ҳужайралари захир-аси тезроқ тугайди ва бепуштлиқ хавфини вужудга келтиради. Шу сабабли, шифокор-лар уларда 30 ёшдан ошгандан кейин ҳо-миладорлик оғир кечилиши алоҳида таъ-кидлашади.

Қизиқ... Ҳўш, қандай қилиб қон гуруҳи орқали бола салбий жиҳатларни мерос қи-либ олади? Сўнгги пайтларда япон олимлари ушбу гуруҳга мансуб кишиларда тўхтовсиз қон кетиши оқибатида ўлим ҳолати кўпай-ишини таҳмин қилишмоқда. Чунки ушбу гу-руҳда қон ивиши сингари ёмон иллатлар мавжуд эмаш. Дароқе, шундай бўлишига қарамай, вазият ижобий томонга бурилиши фаркти, юрак ишемик ва бошқаларнинг хав-фини камайтиради. Бундан ташқари, ушбу гуруҳ, айниқса, касалликларнинг энг жиддий шакли бўлган безгакка қарши самарали ҳи-моя воситаси ҳамдир.

Таҳлилларда биринчи қон гуруҳига ман-суб инсонларда ошқозон ости бези сарато-ни бошқа қон гуруҳи эгаларига нисбатан (у асосан 3-қон гуруҳидагиларда учрайди) 47 фоиз қамроқ кузатилган. Тери сарато-нининг энгил шаклида эса у 4 фоиздан 14 фоиз атрофида бўлади. Мисол учун, ошқо-зон саратонининг хавфи бўйича иккинчи ва учинчи ўрин 2-қон гуруҳидагиларга тўғри келмоқда. Қайд этиш керакки, онкологик, яъни саратон касаллигига 4-қон гуруҳи эга-лари мойил бўлмайди.

– Биринчи тоифа қонга эга инсонлар 2-гуруҳ туридагига қараганда семизлик ва қандли диабетга кам сезгирдир. Статистик маълумотларга кўра, тиббиётда қон гу-руҳи билан боғлиқ касалликларга парhez тутиш ижобий ечим бўлса-да, кўпчилик одамлар унга шубҳа билан қарашади, – дейди Тошкент шаҳридаги 37-оилавий поликлиника шифокори Дилфуза Қур-бонова. – Албатта, режали овқатланиш юрак-қон томир касалликларини барта-раф этишда муайян таъсирга эга. Чунки 1-гуруҳнинг овқатланиш таркиби фой-дали маҳсулотларга бой бўлишни талаб қилади. Демак, мазкур йўл орқали орга-низмда нафақат холестерин ва липидлар, балки тана оғирлиги, босим ва инсулин анча камаяди.

Афсуски, танланган парhez учинчи қон гуруҳи вақиларига тавсия этилмайди. Бун-дай қон эгаларида стресс гормонлари-нинг кўпчилиги сабабли парhez юрак ва қон томирлари учун самарасиз ҳисобланади. Яхшиси, улар йога, медитация ва шу каби бошқа тинчлантирувчи машғулотлар билан шуғулланиши, мақсадга мувофиқ.

Хулоса қиладиган бўлсак, биз қандай қон гуруҳига мансуб бўлмайлик, доимо соғлиқ эртанги фаровон келажакимизни белгилаб берувчи бойлик эканини унут-майлик.

Маҳлиё УМИРЗОҚОВА, «ISHONCH»

Тошкент шаҳри, Яқасарой тумани Тадбир-корлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтка-риш инспекцияси томонидан 2007 йил 7 ноя-брда рўйхатдан ўтган «TARGET POINT» М-ҲК (СТПР: 303154605, ОКЭД 84300) тугатилди.

Давло ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб, икки ой мобайнида қабул қилинади. Мураккаб учун телефон: +99890-178-13-68

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ДУК томонидан Янгийўл тумани, А.Ортиқов номидаги ҚФЙ, «Ве-теран бони» БУШ 44/1 дала ҳудуди учун берилган Деҳқончи Раёсатга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Андижон педагогика билим юрти то-монидан 1989 йилда (Мехмонова) Саттара Нодира Нумановна номига берилган МТ №942043 рақамли дипломи иловаси йўқолган-лиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти, Қўйраб тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри бўлими томонидан Тошкент вилояти, Қўйраб тумани, «Нарик» ҚФЙда жой-лашган «BONU TOMAT VA BOORINGLAR» М-ҲКга қарашли энгил тилдаги исомжоналар мажбурият учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолгани са-бабли бекор қилинади.

Мирзо Уллубек номидаги Ўзбекистон мил-лий университети томонидан Темиров Абдужа-бор Махаммадиевич номига берилган В№802486 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги са-бабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти, Янгийўл туманидаги «FAVORIT» М-ҲКга «SAVDO VA XIZMAT» М-ҲК ва «TRADE-AND-SERVICE» М-ҲК қўйилиши муноса-бати билан «FAVORIT» М-ҲК «SAVDO VA XIZMAT» М-ҲК ва «TRADE-AND-SERVICE» М-ҲКларнинг ҳудудий вориси ҳисоблангани маълум қилинади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педаго-гика университети ректо-рати ва қасаба уюшма кў-митаси «Ўзбекистонда де-мократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси мудири Нурид-дин Қолқонова отаси

Тошпўлат ҚОЛҚОНОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

## Эълонлар

МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ. Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69. Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89. Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79. Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43. Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73. www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишимизнинг мумкин.

Манзиллими: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz. Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Баҳоли келишилган нархда. Тахририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001. АТИБ «Iprotex bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130.

Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22. Андижон – (+998-99) 889-90-23. Бухоро – (+998-99) 889-90-31. Жиззах – (+998-99) 889-90-34. Наманган – (+998-99) 889-90-02. Навоий – (+998-99) 889-90-28. Тошкент – (+998-99) 889-90-25. Самарқанд – (+998-99) 889-90-26. Сирдарё – (+998-99) 889-90-32. Сурхондарё – (+998-99) 889-90-24. Фарғона – (+998-99) 889-90-22. Хоразм – (+998-99) 889-90-01. Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27.

Навбатчи муҳаррир: Х. Норбоев. Мусаҳҳиш: С. Шодиева. Саҳифаловчи: Ҳ. Абдуқалилов. ЎЗА яқуни – 21:55. Топширилди – 00:30. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 4 босма табоқ. Бюджет Га – 717. 28370 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133.

Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. 1 2 3 4 5